Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 11 ноябрь
ЖУМА
№259 (4.458).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР

Яқиндагина мамлакатимиз меҳнаткашлари, ер юзидаги тараққийпарвар одамлар XX асрнинг буюк воқеаси — Октябрь социалистик революциясининг навбатдаги йиллигини кенг нишонладилар. Улуғ инқилобимиз пойдевори бепоён Россия пролетариати томонидан мустаҳкам ўрнатилган бир пайтда турли миллатларнинг, элатларнинг эрксевар фарзандлари рус революционерлари сафларига якдиллик билан қўшилдилар. 1917 йилнинг кузида эсган озодлик шабадаси миллион-миллион одамларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқарди, қулликни, эксплуатацияни, миллий маҳдудликни, очликни, саводсизликни тугатиш имкониятини берди.

Советлар мамлакатида миллий масала умуман олганда тўла ва узил-кесил ҳал этилган. Қардош, қондош республикалардан ташкил топган социалистик иттифоқимиз, кўпдан-кўп миллат ва элатлардан иборат мустаҳкам бирлик — совет халқи социализм қурилиши жараёнида энг мураккаб, ғоят қийин синовлардан муваффақиятли ўтдилар. Мафкуравий муҳолифларимиз, буржуазия маддоҳлари қанчалик чиранишмасин, тарих ахлатхоналарини қанчалик титкилашмасин, бизга нисбатан душманлик йўлини қанчалик тутишмасин, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи интернационал бирдамлиги, халқларимизнинг дўстлиги, биродарлиги, ҳамкорлиги, яхши ва ёмон кунларда бир-бирларига ярашлари билан кучли эканлигини инкор этолмайдилар. Биз, ўзбеклар русларни ўғамиз, деб келдик ва бундан буён ҳам шундай деймиз. Серқуёш Ўзбекистон эрншаётган зафарларни республикамизда қадимул айёмдан бери яшаб келувчи тожиклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар, озарбайжонлар, шунингдек маслакдошларимизга, сафдошларимизга айланган арманлар, грузинлар, татарлар, корейслар, немислар ва ҳоказо миллатлар вакилларининг муносиб улушисиз тасаввур қилолмаймиз. Ўзбеклар днёрида рўй берган улкан қурилишлар, иқтисодий, маданий, ижтимоий турмушимиздаги ижобий бурилишлар, бошқасини қўйиб турайлик-да, фақат тошкентликлар бошига тушган табиий офат даврида қардошлар мадади туфайли амалга оширилган бунёдкорлик ўзгаришлари қалбларимизни ифтихор туйғуларига лиммо-лим этади.

Биз ҳозир қайта қуриш, демократияни чуқурлаштириш, ошкоралик, янгиланиш ва поклانишдек ҳосиятли жараённи бошдан кечирмоқдамиз. Ҳамма нарса ўз номи билан аталмоқда. Бинобарин, миллий муносабатлардаги, интернационал тарбиядаги, биродарлик алоқаларидаги қусурлар ҳам рўйи рост айтилмоқда. Ҳа, экономикада, кундалик турмушда, ғоявий-сиёсий тарбияда бўлганидек миллий муносабатларда ҳам шахсга сиғиниш даври, турғунлик йиллари оғир асорат қолдирди. Бир томондан жарангдор шиорлар, давомли қарсаклар, «Яшасин дўстлик!» дея кўкракка уришлар авжи фалакка чиқди-ю амалда эса интернационализм куртакларининг қулф уриб очилиши, барча миллатлар, айниқса сон жиҳатидан озчиликни ташкил этувчи элатларнинг равнақу ривожи йўлида дурустроқ бир иш қилинмади. Яширишнинг нима ҳожати бор: айрим жойларда тожик мактаблари ўзбошимчалик билан тугатилди, маҳаллий уйғурларнинг маданий ривожига эътибор берилмади, қозоқ, туркман, қирғиз фарзандларини дарсликлар билан таъминлаш ҳеч кимни қизиқтирмади, захматкаш корейсларнинг, меҳнаткаш немисларнинг ҳалол-покиза хизматлари ўрни келганда яхшироқ тақдирланмади. Партия, совет, комсомол органларида, раҳбарлик лавозимларида ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик ва бошқа турдаги манфаатпарастлик йўли билан «кўтарилган» шахслар ишладилар-у миллий қатлам ҳисобга олинмади. Буларнинг ҳаммаси кадрлар сиёсатига, ғоявий тарбиямизга, умуман идеологиямизга шу қадар жиддий зиён етказдики, энди ана шу хатоларни тузатишга катта куч-ғайрат сарфлашимиз зарур.

Қайта қуриш жараёни, КПСС XXVII съезди, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси миллий муносабатларни соғломлаштириш, ривожлантириш, такомилига етказиш, одамларимизни, айниқса ёш авлодни интернационал руҳда камол топтириш муаммоларини ленинча донишмандлик, большевикларча қатъият билан кун тартибига қўйдир. Яна такрорлаймизки, ўтмишдаги шахсиятпарастлик ва манфаатпарастлик, узоқни кўра билмаслик ва маҳдудлик иллатлари анчайин хавфли, ҳатто хатарли вазиятни вужудга келтирганди. Биз Сумгаитдаги қонли ҳодисалар, Тоғли Қорабоғдаги қўнғилсиз воқеалар, Олмаотадаги бетартиблик рўй беришини ҳатто ўйламагандик. Очиғини айтадиган бўлсак, ошкоралик бўғилган яқин ўтмиш маддалари демократия шароитида шифо истаб ёрилди, ўткирлашган зиддиятлар юқори нуқтасига чиқди ва ўз ечимини талаб этди. Шу сабабли Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида» махсус резолюция қабул қилди, ана шу анжуман қарорига биноан КПСС Марказий Комитетининг бу масалага доир пленумига тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон партия ташкилоти ўз табиатига кўра кўпмиллатли, интернационал эканлиги билан қувонамиз. Унинг негизини ўзбеклар, ўлкамизда азалдан яшаган бошқа миллатлар қатори Туркистон комиссарлари, рус революционерлари ва бошқалар яратишганди. Ҳозирги пайтда республика партия ташкилоти, унинг Марказий Комитети бюроси миллий масалада, интернационал тарбияда яқин ўтмишда йўл қўйилган иллатларга барҳам беришнинг амалий чораларини кўрмоқдалар. Республикамиз раҳбарлари Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон партия ва совет ташкилотларининг олий даражадаги вакиллари билан учрашдилар, мулоқотлар кун тартибида миллатлараро дўстликни, қардошликни, ҳамкорликни, адабий-маданий алоқаларни, умуман кундалик борди-келдини ривожлантириш муаммолари турди. Бунинг дастлабки самараларини кун сайин кўрмоқдамиз. Ўзбеклар билан ҳамкору ҳамнафас миллатлар фарзандларини ўқитиш имкониятлари кенгайтирилди. Айрим район газеталарининг ярми тожик ва қозоқ тилларида босиладиган бўлди. Нашриётларимиз қардош адабиётлар намуналарини чиқаришни кўпайтирадилар.

Миллий муносабатлар билан боғлиқ муаммолар туркумида тил масаласи алоҳида ўринни эгаллайди. Бунда ўнгга ёки сўлга оғишлар, бир тилни иккинчисига қарама-қарши ёки устун қўйишлар ҳеч қачон умумий ишга, равнақимизга фойда келтирган эмас ва келтирмайди ҳам. Биз рус тили орқали жаҳон маданияти намуналари билан таништик, фан-техника сир-синоатини ўргандик, дунёнинг қаеригга бормайлик, ана шу тил ҳамроҳимиз, мушкулимизни осон этувчи қудратли восита бўлмоқда. Лекин она тилимизнинг моҳиятини камситишга, уни иккинчи ўринга қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Район партия комитети аъзоларининг мутлақ кўпчилиги ўзбеклар бўлгани ҳолда пленумни рус тилида ўтказиш мумкинми, ахир! Таассуф, бунақа воқеалар рўй берган эди ва баъзан ҳали ҳам рўй бермоқда. Ёки бошқа бир жиҳатни олиб қарайлик: фан докторн, профессор даражасига кўтарилган ҳурматли зот ўзбек тилида чиқадиган газета ёки журналга рус тилида ёзилган мақолани келтирса-ю, «Кечирасиз, биз ўзбекчага нўноқроқмиз», — деб турса, бундан ортиқ фожиа борми! Мақсад шуки, маҳаллий миллат ўғил-қизлари халқлар дўстлиги ва интернационализм риштаси ҳисобланган рус тилини яхши билишлари, мукаммал ўқиб ва ёза олишлари ҳам фарз, ҳам қарз. Шу билан бирга Ўзбекистонда истиқомат қилаётган бошқа миллатлар ва элатларнинг фарзандлари, ҳеч шубҳасиз, рус биродарларимиз ҳам бизнинг она тилимизни, анъаналаримизни, урф-одатларимизни билишлари, ҳурматлашлари, эъзозлашлари зарур. Бунда шахсий ибрат ҳам, партия ташкилотларининг йўл-йўриқ кўрсатишлари ҳам биринчи даражали моҳият касб этади. Ахир, кўп тилни билиш юксак маданиятлилик, маънавий бойлик, оқил камолот, чин инсонлик намунаси-ку! Доҳийларимиз Маркс, Энгельс, Ленин неча-неча тилларда сўзлаганликлари бизга ибрат бўлмоғи керак.

Халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, интернационал тарбияни такомиллаштириш, миллатлар ҳамда элатлар ўртасидаги муносабатлару ҳамкорликни қиёмига етказиш нафақат партия ташкилотларининг, шу билан бирга маҳаллий ҳокимият маҳкамаларининг, касаба союзларининг, комсомолнинг, ижодий уюшмаларимизнинг, маорифчиларимизнинг, маданият арбобларининг, хуллас, ҳаммаю ҳамманинг муқаддас бурчидир. Бунда оммавий ахборот воситалари — газеталар, журналлар, телевидение ва радио ходимлари олдида айниқса масъулиятли вазифалар турибди. Шуни тан олиш керакки, биз, журналистлар баъзан қош қўяман деб кўз чиқариш даражасида иш тутмоқдамиз. Айрим ҳолларда ўтмиш тарихимизга нотўғри баҳо бераяпмиз, уни сохталаштиришга уринмоқдамиз, улуғ арбобларнинг қайси миллатга мансуб эканликларини ҳуда-беҳуда аниқлашга интилмоқдамиз ва бу йўлда, шубҳасизки, хатолар қилмоқдамиз. Хўш, бундан нима фойда? Ўткир тарихшуносларнинг тасарруфига кирадиган масалаларга енгил-елпи ёндашишнинг ҳожати борми? Ундан кўра қайта қуришимиз ўртага қўяётган ўткир, мураккаб, масъулиятли, келажагимизга дахлдор вазифаларни бажарсак яхши эмасми? Тор миллий қобиққа ўралиб қолиш, ўзини бошқадан устун қўйиш, ўзгаларнинг олижаноб фазилатларини кўра билиш қобилиятидан маҳрумлик, ҳар қандай маҳдудлик ҳеч қачон фойда келтирмаган.

Атеистик тарбияни устакорлик, билимдонлик, ҳужумкорлик билан олиб бориш, лекин бунда диний ҳис-туйғуларга, виждон эркинлигига, асрий анъаналарга тил теккизмаслик, одамларнинг эътиқодига шак келтирмаслик керак. Буларнинг ҳаммаси юракка, онгга, шуурга бориб тегадиган қирраларки, уларни зада қилиш умумий ишимизга зиён етказади. Россияда православ дини қабул этилганлигининг минг йиллиги нишонланиши муносабати билан айрим олимлар, матбуот нашрлари исломга доир илмий фикрлар ва хулосаларни «текшириш»га уринмоқдаларки, бунинг қай даражада тўғри ёки нотўғрилигини айтиш қийин. Яхшиси, ана шу нозик масалада ҳам марксча-ленинча нуқтаи назарга асосланмоғимиз, мутлақо янглишмаслигимиз лозим.

Республикамиз кўпмиллатли меҳнаткашлари СССР Конституциясига ўзгартишлар киритиш, сайловлар системасини такомиллаштиришга доир қонунлар лойиҳаларини зўр манфаатдорлик билан муҳокама қилмоқдалар. Уларнинг таклифлари, фикр-мулоҳазалари ҳар жиҳатдан диққатга сазовордир. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида бу истаклар синчиклаб ўрганилмоқда. Мамлакат сиёсий системаси ислоҳ қилинаётган, миллий муносабатлар ривожи биринчи ўринга қўйилаётган, демократия чуқурлаштирилаётган, ошкоралик миллионлар мулкига айланаётган экан, Ленин даврида илдиз отган анъаналар тикланмоғи зарур. Айтайлик, автономия эркиниликлари қулоч ёйишига нима етсин! Ахир, бир пайтлар республикамизда ҳам бунга кенг йўл очилганди-ку! Лекин бунда ҳам умумий манфаатларни ҳисобга олиш, етти ўлчаб бир кесиш, ҳар қандай чекланишлар, ортиқча ҳис-туйғуларга берилмаслик шарт.

30 декабрь — СССР тузилган кун. Партия конференцияси кўрсатмасига биноан бу сана ҳар гал улуғвор байрам сифатида нишонланади. Бу ташаббусни чин юракдан қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбек халқи табиатан, тарихан бағри кенг, меҳмондўст, инсонпарвар, виждони пахтасидек покиза, интернационал, дўстпарвардир. У бир майнини қирқ биродари билан баҳам кўрган миллат фарзанди. Ана шундай эзгу фазилатлар қон-қонимизга сингиб томирларимиздан кўпириб оқмоқда. Совет Ўзбекистони ягона ва улуғ онланинг тенг ҳуқуқли, кенг ваколатли, ўзига яраша куч-қудратли фарзанди сифатида ленинча миллий сиёсат тантанасини бундан буён ҳам муқаддас деб билади, дўстлик, қардошлик дастурхони неъматларини кўзига тўтиё қилади, умумий хонадонимиз равнақу ривожига салмоқли ҳиссасини қўшаверади.

«Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам, дўст қадам қўймас экан, вайронадир кошона ҳам». Бу мисралар ўзбек шоири, шу билан бирга қардош халқлар адабиёти билимдони, жаҳон бадиий хазинасининг ошуфтаси Эркин Воҳидов қаламидан чиққанлиги билан фахрланамиз ва ҳикматмоанд ана шу ғояга содиқлигимизча қоламиз!

Бу йил дала суворийлари нималарга қодир эканликларини намойиш этишаяпти. Улар зангори кемаларни моҳирлик билан бошқариб, ўз хўжаликлари, район, область, қолаверса, республика хирмонига барака киритмоқдалар. Мардон Холмуродов фақат Косон районидаги «Косон» совхози механик-ҳайдовчиларига эмас, балки бутун воҳадаги ҳамкасбларига намуна бўлаяпти. Унинг ҳозиргача терган оқ олтини 200 тоннадан ошиб кетди. Йигирма йилдан бери механизаторликни шарафлаб келаётган бу дала гвардиячиси ўзининг меҳнат туҳфаларини Улуғ Октябрь байрамига армуғон этди.

СУРАТДА: илғор механизатор М. Холмуродов.

М. КОМИЛОВ фотоси.

ХИРМОНГА БАРАКА!

Пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида

шу йил 10 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
БУХОРО	0,26	110,86	0,37	90,72
ХОРАЗМ	0,23	109,19	0,34	70,55
ТОШКЕНТ	0,10	109,14	0,07	111,35
ҚАШҚАДАРЁ	0,14	105,28	0,11	112,59
ҚҚАССР	0,39	101,74	0,11	94,48
СУРХОНДАРЁ	0,54	101,22	0,12	92,34
Сирдарё	**0,36**	**99,50**	**0,31**	**108,88**
Наманган	**0,61**	**97,05**	**0,38**	**69,11**
Фарғона	**0,65**	**96,96**	**0,18**	**42,42**
Самарқанд	**0,76**	**90,58**	**0,35**	**84,26**
Андижон	**0,67**	**76,63**	**0,30**	**31,04**
Республика бўйича:	0,45	98,96	0,24	84,46
Шу жумладан ингичка толали пахта				
САМАРҚАНД	1,46	124,44	3,80	129,57
СУРХОНДАРЁ	0,65	116,05	0,21	171,80
ҚАШҚАДАРЁ	0,29	109,90	0,25	153,57
НАМАНГАН	0,32	100,98	—	—
Бухоро	**0,16**	**16,34**	**0,45**	**12,25**
Республика бўйича:	0,54	109,36	0,28	160,95

РСФСР Олий Советининг сессияси

Россия федерациясини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги Давлат плани ва республика бюджети РСФСР Олий Совети сессияси муҳокамасига киритилди. Сессия 10 ноябрь куни Москвада, Катта Кремль саройида очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Республикани ривожлантиришнинг 1989 йилги Давлат плани тўғрисида ва 1988 йилги планнинг бажарилиши ҳақида РСФСР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, РСФСР Госплани раиси депутат Н. И. Масленников доклад қилди.

Сўнгра депутатлар РСФСР молия министри депутат А. А. Бобровниковнинг РСФСРнинг 1989 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва 1987 йилги республика бюджетининг ижроси ҳақидаги докладини тингладилар. Докладчи республиканинг келгуси йилги бюджети даромадлари 120,4 миллиард сўм, харажатлари эса 126,8 миллиард сўм миқдорида, яъни харажатлар даромадлардан ортиқ миқдорда ёки камомад билан белгиланганлигини маълум қилди. Камомадни тугатиш учун қўшимча молиявий ресурсларни сафарбар этишга оид топшириқ белгиланди.

Тушдан кейин докладлар РСФСР Олий Совети доимий комиссияларининг алоҳида-алоҳида мажлисларида муҳокама қилинди.

11 ноябрь куни РСФСР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ДАВРИ

10 ноябрь куни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Ёшлар уйида очилган виставкада катталар ва болалар учун чиройли костюмлар, заргарлик буюмлари, гулдор чинни асбоблар намойиш қилинмоқда. Уларни Тошкентдаги ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари «Золотинка» ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрлашган.

Республика раҳбарлари бу ерга ёшлар ҳузурига меҳмон бўлиб келдилар. Турли ёшлар группаларининг вакиллари бу ерга йиғилишган эди. Ўзбекистондаги биринчи ёшлар уй-жой комплексларининг ташкилотчилари ўз муаммолари ҳақида гапирдилар. Республикада бу ҳаракат қийинчилик билан ўзига йўл очиб борди. Аммо эндиликда ишлар юришиб кетди — Тошкент областининг ўзидагина ёшлар уй-жой комплексларининг 14 та ташкилот комитети тузилган. Йигит ва қизлар ёшлар ўртасида кооператив ҳаракатининг ривожланиши ҳақида, ўз муаммолари тўғрисида сўзлаб бердилар.

Ёшларнинг фан-техника ижодиётини ривожлантириш комсомол фаолиятининг муҳим йўналишидир. Ёшлар фан-техника ижодиётининг хўжалик ҳисобидаги марказлари яқинда пайдо бўлган, аммо улар ҳозирдаёқ давлат корхоналари ва ташкилотларининг кўпдан-кўп буюртмаларини бажариб қўйишди. Бироқ бугунги кунда ёшлар фан-техника ижодиётининг ташкилотчилари кўпгина муаммоларга дуч келмоқдалар — қулай бинолар йўқ, хомашё, зарур материаллар етишмаяпти. Улар республиканинг партия раҳбарларига мана шуларнинг ҳаммасини гапириб бердилар.

Ёшлар уйидаги қизғин мулоқотда комсомол активлари, ишчилар, колхозчилар, артистлар, рассомлар, олимлар қатнашдилар.

Сўнгра учрашув Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида давом эттирилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н Нишонов йиғилганлар ҳузурида нутқ сўзлади.

Учрашувда қайд этиб ўтилганидек, республикада маънавий-сиёсий вазиятни соғломлаштириш, халқ хўжалигини бошқариш структурасини такомиллаштириш, социал соҳани ривожлантириш, идеология, экология, демография муаммоларини ҳал этиш, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда яшовчи миллат ва элатлар намояндаларининг маданий талаб-эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш борасида ишлаб чиқилган комплекс тадбирларни амалга оширишга доир катта ишлар олиб борилмоқда. Мана шу соҳаларнинг ҳаммасида коммунистлар билан биргаликда комсомоллар жуда фаол иштирок этишлари лозим.

Ёшларнинг туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда қатнашишлари энг муҳим ишдир. Ҳозирдаёқ саноат ва қурилишда комсомол-ёшлардан иборат саккиз минг коллектив меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларини ўзлаштирмоқда. Дастлабки тажриба шуни кўрсатмоқдаки, амалда хўжалик ҳисобидан фойдаланилаётган жойларда меҳнат унумдорлиги даражаси ошмоқда, моддий ва меҳнат ресурслари тежалмоқда. Кўп жиҳатдан ёшларнинг ғайрат-шижоати туфайли иш жойларида тартиб ўрнатилмоқда. Аммо бунда ҳамма иш ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди: ҳар беш коллективнинг бири маҳсулот етказиб бериш планини бажармаяпти, қарийб 800 та корхона ва хўжалик зарар кўриб ишламоқда, меҳнат унумдорлиги секинлик билан ўсмоқда. Қиммат турадиган машина-ускуналардан қониқарсиз фойдаланилмоқда.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш барча комсомол ташкилотлари учун ишдаги бош йўналишларнинг бири бўлиб қолиши кераклигининг боиси ҳам мана шундадир. Аввало ёшлар фан-техника ижодиётининг ягона ижтимоий-давлат системасини вужудга келтириш лозим бўлади. Ёшлар фан-техника ижодиёти марказлари ана шу системанинг таркибий қисмлари бўлиб қолиши керак — ҳозир республикада 22 та шундай марказ бўлиб, улар олти миллион сўмлик ишни бажардилар. Бу тармоқни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, сифат группалари тузиш ишларини авж олдириш, ёш олимлар ва мутахассислар кенгашларининг таъсирчанлиги ҳамда обрў-эътиборини тиклаш лозим. Комсомол комитетларининг 13 та зарбдор қурилишида министрликлар ва идоралар билан баҳамжиҳат ҳаракат тарзини ҳам ўзгартириш зарур.

Асосий эътиборни миқдор кўрсаткичларидан сифат кўрсаткичларига қаратиш, хўжалик ҳисобини ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиш агросаноат комплекси самарадорлигини ошириш, Озиқ-овқат программасини ҳал этиш учун айниқса муҳимдир. Пахтачиликни юксалтиришда иштирок этиш — ёшларнинг ғоят муҳим бурчидир. Бу йил шу соҳадаги ишлар чакки эмас, камчиликларга муросасизлик вазиятини вужудга келтира олган, интенсив технологияларни дадил жорий этган, инсонга эътибор кучайтирилган жойларда муваффақиятга эришилди. Бунда ёшларнинг ҳам хизмати бор. Масалан, Наманган областидаги «Андижон» колхозидан Саҳобиддин Ҳамроқулов раҳбарлигидаги 4 нафар ёш ижарачи тўққиз гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнердан ошириб пахта олди. Комсомол комитетлари қишлоқ хўжалик органлари билан биргаликда барча фойдали нарсаларни хўжаликларнинг практикасида мустаҳкамлашлари, илғор тажрибани кенг пропаганда қилишлари, уни ўзлаштириб олишда ижарачиларга ёрдам беришлари муҳимдир.

Янги вазифалар уларни ҳал этишга янгича ёндашувларни ҳам тақозо этади, албатта. Кўпгина синалган формалар эскириб қолди, белгиланган режаларни бажаришга дабдабали шиорлар билан ёндашиш усулига барҳам бериш керак. Чунки шу сабабли комсомолнинг маккажўхорини оталиққа олганлиги, 100 минг нафар механизаторни тайёрлаш, бошқа бир қанча ташаббуслар қоғозда қолиб кетди. Йигит ва қизларнинг ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришларида, янгича иқтисодий фикрлашларида уларга ёрдам бериш учун комсомол ташкилотлари қунт билан амалий иш олиб боришлари керак.

Озиқ-овқат программасининг бажарилиши кўп жиҳатдан қишлоқни социал қайта қуришга боғлиқ. Бунда кўп нарса анча яхшиланиши, айниқса Орол бўйидаги аҳвол яхшиланиши зарур. Республика партия ташкилоти Орол бўйидаги қурилишлар, республиканинг бошқа объектлари ёшларнинг яна бир хайрли иши бўлиб қолади, деб ишонч билдиради.

Уй-жой қурилиши соҳасида ёшлар олдида кенг фаолият майдони очилмоқда. Шу муносабат билан ёшларнинг уй-жой комплексларини тузишга доир ташаббусини кенг рўёбга чиқариш жуда муҳимдир. Чирчиқ, Зарафшон, Учқудуқда, Сирдарё областининг Оқ олтин районида ҳозирдаёқ, шундай комплекслар барпо этилмоқда. Бундай катта ишни уддалаш учун шаҳар ва районлар ихтиёрида бўлган барча ички резервлардан фойдаланиш зарур.

Қайта қуришга марксизм-ленинизм ғоялари ҳаққонийлигига қаттиқ ишонган билимдон, профессионал тайёргарликдан ўтган кишилар зарур. Умумий таълим мактабини ислоҳ қилиш, олий ва ўрта таълимни янада ривожлантириш тадбирлари одамларни ўқитиш ва тарбиялашнинг янги системасини вужудга келтиришга қаратилган. Бироқ Ўзбекистонда мактаб ислоҳоти оқсамоқда. Республика комсомоли таълим ва тарбия жараёнларини қайта қуришни таъминлаш, ўқув юртларини бошқаришда ёшларга берилган ҳуқуқлардан тўла ҳажмда фойдаланишга эришиш, ёшларнинг билим учун, шу жумладан компьютер билими учун юришига бошчилик қилиши учун имкони бўлган барча ишларни амалга ошириши керак.

Ёшларни социал йўналтириш масалаларига кўпроқ эътибор бериш лозим, ишчи касбкори обрўйини ошириш муҳимдир. Бугунги кунда комсомол ва пионер ташкилотида қайта қуриш ҳамон қийин бораётганлигини айтишга тўғри келмоқда. Вужудга келган тўсиқларни тозалаш учун асосий масъулият комсомол комитетлари, уларнинг кадрлари ва активлари зиммасига тушади, бироқ бу барча комсомол аъзоларининг иши ҳамдир. Вазифа — комсомол турмушининг барча жиҳатларини демократиялашга эришишдан иборат. Бунинг учун эса бошланғич ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтириш, тўла ошкоралик вазиятида ишлашга ўрганиш даркор. Йигит ва қизлар сиёсий позициясини шакллантиришнинг асосий методи сифатида мунозара, ошкора мулоқот, жавобларни коллектив бўлиб излаш катта аҳамият касб этади. Ҳозир республикада 300 га яқин сиёсий мунозара клуби бор. Айни вақтда сиёсий маориф уйи системасидан ташқарида ҳам турли бирлашмалар — қизиқиш бўйича клублар, ёдгорликларни муҳофаза қилиш группалари, ҳарбий-сиёсий бирлашмалар ташкил этилмоқда. Бу борада кўпинча комсомол ташкилотлари норасмий ташкилотлар пайдо бўлишини тез англаб олишлари зарурлиги етишмаяпти, кўпгина активлар бундай ташкилотлар билан иш олиб боришга тайёр эмаслар. Ҳар бир комосмол ходими ёшлар билан фақат ҳақиқат тилида гаплашишга ўрганиши лозим.

Ёшларни интернационал, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, атеистик пропаганда соҳасида комсомолга катта ўрин берилади, ижодкор ёшлар билан олиб бориладиган ишларни кучайтириш талаб этилади, физкультура ва спортни ривожлантириш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш, саводо, умумий овқатланиш, хизмат соҳаси устидан контролликни кучайтириш юзасидан кўп ишлар қилиш керак бўлади. Партия шунга қатъий ишонадики, юксак ишонч, масъулият, катта-катта давлат вазифаларини ҳал этишга, халқ хўжалигини бошқаришга реал киришиш ёшларни қайта қуришнинг фаол қучига айлантиради.

Учрашув ўтган залда ишонч, ўртоқларча вазият қарор топди. Сўзга чиқишни истаган барча кишилар гапириш имконятига эга бўлдилар—бу ерда «эркин микрофон» ўрнатилган эди. Ишчилар ва колхозчилар, мактаб ўқувчилари ва ёш раҳбарлар ўз коллективларидаги ишлар ва муаммолар ҳақида, республика ёшлари қайта қуриш ўртага қўйган вазифаларни қай тарика уддалаётганликлари тўғрисида гапириб бердилар. Комсомол ветеранлари ҳам ўз фикрларини айтдилар, ўзларининг кўп йиллик иш тажрибасини йиғилиш аҳли билан ўртоқлашдилар. Учрашув қатнашчилари йигит ва қизларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари В. П. Анишчев, Д. Д. Берков, П. В. Догонкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, П. Ҳабибуллаев, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси, уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. В. Сударенков, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Н. Носиров қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

КОНФЕРЕНЦИЯ КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

АҲМАДЖОН КОМИЛЖОНОВ: «ҚАЙТА ТУҒИЛГАНДАЙ БЎЛДИМ»

КПСС ҳаётида муҳим воқеа — партия XIX конференцияси бўлиб ўтгапига ҳам тўрт ойдан ошди. Лекин вақт кечгани сайин унинг аҳамиятини чуқурроқ ҳис қилиб бораяпмиз. Самодаги юлдуз қанча узоқлашса, шунча ярқирагани каби партия анжумани қабул қилган қарорлар ҳам вақт ўтгани сайин ҳаётийлигини намоён этаяпти.

Конференция ҳужжатларини қайта-қайта ўқийман, ундаги гояларни бугунги одимимизга қиёслайман. Ҳамма нарса тушунарли, лекин нимадир етишмагандай. Ҳа, топдим: қўпдан буён Бутуниттифоқ партия XIX конференцияси делегати, Оҳангарон районидаги «Галлақудуқ» совхоз-комплекси озуқакорлик бригадаси бошлиғи Аҳмаджон Комилжонов билан юзма-юз суҳбат қуришни дилимга тугиб юргандим. Ахир бевосита конференцияда қатнашган кишининг таассуротлари, ўй-фикрларини тинглашнинг ўзи мароқли!

Эрта билан «Галлақудуқ» совхози идорасига бориб делегатни сўрагандим, «Кечикдингиз», — дейишди. Маълум бўлишича, Аҳмаджон акани район ичи ишлар бўлими ходимлари учрашувга таклиф қилишган экан. Кутишга тўғри келди. Хизмат юзасидан бошқа юмушларни бажардим. Бирор соатлар чамаси ўтгач, Аҳмаджон Комилжонов билан гурунгимиз бошланиб кетди.

— Ишонасизми, — вазминлик билан сўз бошлади суҳбатдошим, — конференцияда кейин ҳар қандай санъат юлдузи ҳавас қиладиган ҳолатдаман. Учрашув, учрашув ва яна учрашув. Ўзига юқори баҳо бераяпти, деб ўйламанг. Йўқ, бу — халқимизда конференция белгилаган режаларга қизиқиш катталигидан. Эсимни танигаимдан буён кенг омма сиёсатга ўзини бунчалик дахлдор ва ундан манфаатдор бўлаётганига энди дуч келишим.

— Учрашувлар тез-тез бўлаяпти, дейсиз, — сўрайман Аҳмаджон акадан. — Ҳадеб бир гапни такрорлайвериш зерикарли эмасми?

— Ҳар гал мавзуларнинг янги-янги қатлари очилади. Бундан ташқари конференцияда айтилган гапларни такрорлашдан сираям чарчамайман. Уни қанча кўп одамга юқтиролсам, шунча яхши.

— Делегат бўлиш — чексиз фахр. Сиз буни қай ҳолатда ҳис қилдингиз?

— Аввалига бепарво юрдим. Очиғи: ҳатто делегатликка сайлашганда ҳам унча ҳаяжонланган эмасман. Аммо конференцияга жўнаш дақиқалари кўз олдимдан кетмайди. Одамлар совхоз идораси қолдига ҳеч кимнинг таклифисиз тўпланишганди. Улар менга оқ йўл тилашди. Ҳамманинг дилида ифтихор. Улар улуғ анжуманга ўзлари яхши биладиган одам бораётганлигидан қувонишаётганди. Бола-чақалар ҳам хайрлашгани шу ерда туришганди. Бир маҳал ўғлим Рустамжонга кўзим тушди. Болакай менга бўлаётган муносабатдан таъсирланиб: «Ростданам шу менинг дадамми?» — дегандай анграйиб қолганди. Бошқача бўлиб кетдим. Кўзимга ёш келди. Менга жудаям катта шараф насиб этганлигини дилдан ҳис қилдим. Машинага ўтираяпману биродарларим навбатма-навбат қучоқлашиб хайрлашишади. Гўё конференция Москвада эмас, районимизга яқин бир жойда бўлаётгандек. Менинг учун улуғ анжуман бошланиб кетгандай.

— Учрашувларда шуларни ҳам гапириб бердингизми?

— Нималарни сўрашмайди, дейсиз. Келинг, яхшиси сизга ўша мулоқотларимдан айтиб берай...

Аҳмаджон ака гапираяпти-ю унинг сўзлаш оҳангига маҳлиё бўламан. Оддий бригада бошлиғи шунчалар сўзга чечанлигига ҳавас қилдим. Унинг гапини бўлгим келмайди.

— Москвага боргач, ҳар бир дақиқа ҳаяжонга тўлиқ бўлди, дейишим мумкин. Аввало Ленин мавзолейини зиёрат қилдик. Конференциянинг ҳар бир кунида тиғиз ишлашга тўғри келди. Унда янграган доклад ва нутқларни матбуотдан ўқигансиз. Мен ўз таассуротларимни айта қолай. Омадни қарангки, мен иккинчи қаторнинг иккинчи жойига ўтиришим керак экан. Минбарга жудаям яқин. Ҳар бир нотиқнинг нафас олишигача сезилиб туради. Айтилаётган гапларни тинглайману хаёлан ўзимизда, Ўзбекистонимизда қилинаётган ишларни гарози палласига қўйиб кўраман. «Қоғоздан ҳаётга, гапдан ишга ўтишимиз керак» — бу аҳдни бир неча бор дилимга тугдим.

Ҳар учрашувда шу иборани такрорлайман. «Оҳангарон» совхозида ишчилар билан юзма-юз мулоқотда эдим. Учрашув охирроғида ёши элликлар атрофидаги бир киши шундай савол берди:

— Ҳамма гапларингиз тушунарли. Энди ўзингизнинг шахсий фикрингизни айтинг-чи: қайта қуриш амалга ошадими? — Унинг саволи оҳангида янги бошланган ишга ишончсизлик яққол сезилиб турарди.

— Агар ҳаммамиз сизга ўхшаб иккиланиб юрсак, қайта қуриш муваффақият қозонмайди, — жавобимнинг кескинлиги кўпчилик диққатини ўзига жалб қилди. — Михаил Сергеевич ҳар бир ишга комил ишонч билан киришсакгина мақсадга эришамиз, дедилар. Ўшанда ютуқ бизга ёр бўлади.

«Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги учрашув асло эсимдан чиқмайди. Савол-жавоблар тугаб қолган эди. Шу пайт узоқ йиллар партия ишида ишлаган бир оқсоқол — П. К. Намаконов сўз олди.

— Мен учрашув бўлаётганлигини эшитдим-у шу ерга келавердим, — Пётр Кондратьевич вужудидан ҳаяжон ёғилиб турарди. — Фақат меҳнат билан элга танилган одамни конференцияга юборишганини эшитиб хурсанд бўлувдим. Мана кўп йилдан буён кўришмагандик, дийдорингга тўйдим. Айтган ҳамма гапларингга дилдан қўшиламан. Ке, бир қучоқлаб олай...

Ҳа, ана шундай одамларимиз бор экан, қайта қуриш голиб келади. Бу курашда П. К. Намаконов каби бой тажрибага эга ветеранлар ўгити, йўл-йўриги асқотади.

Халқимиз ўзгаришлар, янгиланишларга шу даражада ташнаки, мен буни учрашувларда ҳис қилдим. Бугун ким қайта қуриш душмани? Турғунлик даврида роҳат-фароғатда бўлганлар янгича яшашни хоҳлашмайди. Аксарият одамлар эса партиямиз тутган йўлни олқишламоқдалар. Буни улардаги қизиқишдан пайқадим. Учрашувга келганлар конференцияга оид энг кичик тафсилотгача сўраб-суриштирдилар. Ҳатто бир ишчи: «Делегатлик мандатингизни кўрсак бўладими», — деб сўрганида мен кўзимга тўтиё қилиб юрган бу ҳужжатни ифтихор билан тутқаздим. Мандатни ҳамма навбатма-навбат ҳавас-ла қўлига олиб кўрди. Ана шу дақиқаларда ҳис этилган туйғу одамларимизнинг жонажон партияга ишончидан далолат эди.

Мендан кўпинча: «Конференциядан кейин нима ўзгарди?» — деб сўраб қолишади. Назаримда биз уч йил қайта қуриш зарурати ҳақида гап юритдик. Энди эса амалий ишга ўтилди. Конференция кўп делегатлар қатори менинг ҳаётимни икки босқичга ажратди. Мен, таъбир жоиз бўлса, онадан қайта туғилгандай бўлдим. Энди барча ғуборлардан холи бўлиб, янги ишларга енг шимариб киришдик.

Ҳозир ошкоралик даври. Буни ҳар ким ҳар хил тушунади. Баъзилар оғзига нима келса, ўшани айтишни ошкоралик деб тушунадилар. Йўқ, масаланинг тескари қутбига ўтиб кетиш ярамайди. Мана мен ошкораликни қандай тушунаман: партиянинг халқдан сир тутадигани гапи бўлмаслиги керак. Ҳамма иш бамаслаҳат, кенгашли, яъни ошкора бажарилсин. Нарсаларни ўз номи билан аташ керак, деган ибора қайта қуришдан олдин ҳам бор эди. Лекин энди бу сўз янгича маъно касб этаяпти. «Ўз номи билан аташ», деҳқончасига «рост гапириш» дегани. Биздан баъзилар сўраб қолишади: «Нега ижара пудратига ўтиб ишламаяпсиз?» Бир қарашда бутун мамлакатда эътироф этилган усул делегат бошлиқ бригадада жорий қилинмагани ғалатироқ туюлади. Лекин ростини айтсам, биз аввалига бу янгиликни тўла тушунмадик. Тушунишга ҳаракат қилгандик, бу вақт ичида баъзи коллективлар энди «урф» бўлаётган усулни илиб кетишди. Лекин шунга ишончим комилки, ўша ижара пудратида ишлаяпмиз, деганларнинг баъзилари билан гаплашиб кўрсангиз, истиқболли усул ҳақида аниқтиниқ сўзлаб беришолмайди. Биз қишки ўқувда бу усулни «сув қилиб ичамиз», сўнгра янги йилдан бошлаб жорий этамиз.

Учрашувларда бригадамиз, совхозимиз қўлга киритаётган кўрсаткичлар ҳақида гапириб бераман. Негаки, айтилаётган гаплар амалий ишда мустаҳкамланаётганлигини кўрсатиш бениҳоя муҳим. Мана бригадамизга мансуб баъзи рақамлар: бедани беш марта ўрдик, 120 ўрнига 170 центнерлик ҳосилдорликка эришдик. Кўкпоя, маккажўхори силоси планлари ҳам ошириб бажарилди. Гектаридан 27,3 центнердан буғдой олдик (план бўйича 14 центнер). Хашаки ошқовоқ, полиз экинлари планларини ҳам адо этдик. Хўжалигимиз ўтган қишлов якунига кўра КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиғини қўлга киритди. Яқинда халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси П. М. Абдураҳмонов бу юксак мукофотни топширди. Турли миллат вакиллари бир оиладек ишлаётган хўжалигимизда 9 ойда 9.560 тонна гўшт етиштирилди, бу — ўтган йилнинг шу давридагидан 354 тонна кўп. Ҳар бош чўчқа кунига 365 грамм семираяпти. Моллар нобудгарчилигига ишончли тўсиқ яратилган. Хулласи, қайта қуриш талаблари асосида ишлаяпмиз.

Аҳмаджон Комилжонов кўпчилик амалга ошираётган ишлар хусусида гапирдию ўзининг хўжалик партия ташкилотида тутган ўрни ҳақида камтарлик қилиб индамай қўя қолди. Мен бу ерда бўлганимда хўжалик партия комитетининг янги секретари Р. И. Островский биринчи кун иш бошлаган эди. Илгари Оҳангарон район партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлими мудири лавозимида ишлаган Роман Иванович А. Комилжонов ҳақида илиқ гапларни айтди. «Эндиликда партком аъзоси Аҳмаджон акага ўхшаш коммунистларга таяниб иш кўраман», — деди.

— Совхозимиз коммунистлари Аҳмаджон акани район партия конференциясига делегат этиб сайлашди, — Роман Ивановичнинг бу хабарини мақола якунида ишлатишнинг жуда ўрни, деб билдим.

Т. ҒАНИЕВ,
республика «Гўшт» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош мутахассиси, бошланғич партия ташкилоти секретари.

СССР Олий Советида

ДЕПУТАТЛАР КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

СССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун ҳамда СССР халқ депутатлари сайлови ҳақидаги Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси чоғида совет кишилари зўр қизиқиш, юксак гражданлик ва сиёсий активлик кўрсатмоқдалар.

Бу фикр 9 ноябрь куни Кремлда депутатлар комиссиясининг мажлисида таъкидлаб ўтилди, комиссия мазкур лойиҳаларга доир мулоҳазалар ва таклифларни кўриб чиқди. Бу комиссияни СССР Олий Совети палаталарининг Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиялари тузган эди. Унинг ишида Белоруссия, Ўзбекистон, Грузия, Арманистон, Эстония ССР Олий Советлари Президиумларининг раислари, партия, совет органларининг, жамоатчиликнинг вакиллари, юрист олимлар қатнашдилар.

Ишчи группалари раҳбарларининг докладларида, депутатларнинг нутқларида СССР Олий Совети Президиумига келган 71 мингдан ортиқ фикр-мулоҳазанинг асосий қисмида Қонун лойиҳалари тўла маъқулланганлиги таъкидланди. Гражданлар бу лойиҳаларни Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси белгилаб берган сиёсий системани қайта қуриш йўлидаги конкрет ва жуда муҳим қадамлар, деб хисобламоқдалар. Кўпгина мурожаатларда халқ ҳокимиятининг чинакам ваколатли органлари сифатида халқ депутатлари Советларининг тўла ҳокимиятини таъминлаб, социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг алоҳида аҳамияти таъкидланган.

Давлат ҳокимияти олий органларнинг янги структураси — барча синфлар, социал группалар ва ижтимоий табақалар вакилларининг кенг анжумани бўладиган, Совет давлати ҳаётининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилиб, ҳал этадиган халқ депутатлари съездлари катта қизиқиш уйғотмоқда.

Аниқ моддалар юзасидан 15 мингта хатда таклифлар ва мулоҳазалар киритилган. СССР халқ депутатлари съезди ҳамда унга ҳисоб бериб турадиган СССР Олий Советининг СССР давлат ҳокимияти доимий ишлаб турадиган қонун чиқарувчи, идора этувчи ва контрол қилувчи органи сифатидаги ваколатлари тўғрисида баҳслар манфаатдорлик билан олиб борилмоқда.

Бунда кўпгина таклифлар СССР Конституциясининг муҳокама қилинаётган Қонун лойиҳаларида бевосита тилга олинмаган бўлимларига тааллуқли эканлиги айтиб ўтилди. Гап жамият ҳаётининг иқтисодий системаси, гражданларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, миллий-давлат қурилиши каби соҳалари тўғрисида бормоқда. Бу соҳаларда вужудга келган янги муносабатларни Конституцияда мустаҳкамлаб қўйиш — узоқ давом этадиган жараён бўлиб, қайта қуришнинг объектив шароитларини ҳисобга олиб, қўшимча равишда ишлаб чиқишни талаб қилади.

700 дан кўпроқ хатда эътироз билдирилган. Эстония халқ фронти вакиллари кенгаши муҳокама қилинаётган лойиҳаларга қўшилмаслигини маълум қилган, бу кенгаш вакиллари комиссиянинг мажлисига таклиф этилди. Уларнинг позицияси эътибор билан қараб чиқилди, бироқ улар киритган бир қанча таклифларни депутатлар қўллаб-қувватламадилар.

Муҳокама эркин амалий вазиятда, тўла рўй-ростлик ва кенг ошкоралик руҳида ўтди.

Мажлис ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ишчи группалари умумхалқ муҳокамаси чоғида тушган таклифлар асосида Қонун лойиҳаларига тайёрлаган тузатишлар ва қўшимчаларга комиссия рози бўлди. Меҳнаткашларнинг таклифлари ва мулоҳазаларини ҳар томонлама баҳолаб, бу ҳақда палаталарнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияларига маълум қилиш имкониятига эга бўлиш учун ана шу масалалар ва жамоатчилик ўртага қўйётган бошқа масалаларни батафсил ишлаб чиқишни давом эттириш топширилди.

Яқин вақт ичида депутатлар комиссияларининг навбатдаги мажлисини ўтказиш белгиланди.

(ТАСС).

СССР қонунлари лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

Қарор учун ҳамма жавобгар

Биз аниқ бир мисол орқали СССР Конституциясига қўшимча ва ўзгаришларнинг «Суд ва арбитраж» боби юзасидан таклиф-мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик. Биз Тўрақўрғон районидаги 2-кўчма механизациялашган колонна ишчиларимиз.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг 31 август сонида босилган «Кимга фойда, кимга зарар?» сарлавҳали мақолада ҳикоя қилинган воқеалардан бошдан охиригача хабардормиз. Дарҳақиқат, бир вақтлар дўконларимизда гўшт маҳсулотлари сероб эди. Матлубот жамияти бўрдоқичилик базаси директори М. Бозоров устидан жиноят иши қўзғатилгач, терговчининг чиқарган ажрими билан у вазифасидан четлаштирилди. Прокурор томонидан тасдиқланган бу ҳужжат қайта-қайта суд жараёнларида корхона раҳбарининг айби тасдиқланмасада, кучида қолиб келаверди. Яқинда Наманган область судининг жиноят-судлов коллегияси бўрдоқичилик базаси бир группа ходимлари устидан қўзғатилган жиноят ишига принципиал якун ясади. М. Бозоров ва яна бир неча киши жазодан озод қилиндилар.

Қиссадан ҳисса шуки, чиқарилган ҳар бир юридик ҳужжат (ҳукмдан тортиб қарор ва ажримларгача) қонунийлиги учун тегишли ходимлар жавобгар бўлсинлар. Янги қонун лойиҳасидаги қўшимча ва ўзгартишлар сирасига судларнинг жиноят ва гражданлик ишларини қабул қилиб олганларидан сўнгги ваколатларини кенгайтирувчи моддалар киритилса тўғри бўларди.

Нормирза, Бекмирза ва Жўрабой ХОЛМИРЗАЕВлар.

Оралиқ экинлар хосияти

Пахтачиликни ривожлантиришда ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш муҳим вазифа ҳисобланади. Оралиқ экинлар экиш шундай резервлардан бири.

Пахта майдонларида оралиқ экинлар ғўзапоя йиғиштириб олингандан сўнг ўстирилиши ўзига хос қисқа муддатли алмашлаб экиш ўрнини босади, тупроқ тузилишини яхшилаб, унинг таркибини органик моддалар билан бойитади. Бу пахтадан юқори ҳосил етиштиришга шароит яратади.

Оралиқ экинлар чорвачиликни ривожлантиришда ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Чунки улар қўшимча озуқа сифатида қишловнинг сўнгги ойларида ва эрта баҳорда молларга берилади. Улардан гектар ҳисобига 400—500 центнер, ҳатто ундан ошириб кўк озуқа олиш мумкин.

Шундай экан, нима учун оралиқ экинларга етарли эътибор берилмаяпти? Узоқ йиллар давомида уларга нега панжа орасидан қараб келинди? Яқинда «Меҳнат» нашриётида чоп этилган И. Эрназаровнинг «Пахтачиликда оралиқ экинлар» китобчасини ўқиб, юқоридаги саволларга батафсил жавоб топиш мумкин. Муаллиф кўп йиллик илмий кузатишлар ва тажрибаларга асосланиб, рапс, жавдар, вика, сули кабиларни парваришлашнинг мақбул технологияларини, агротехника қоидаларини баён қилган.

Китобча агросаноат ходимлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбар ҳамда мутахассислари учун мўлжалланган.

М. ТУЙЧИЕВ.

Учқўрғон районидаги «Москва» колхозида бу йил ҳосилнинг асосий қисми машиналарда йиғиштириб олинди. Бунда механик-ҳайдовчи Иброҳим Турғунов алоҳида ўрнак кўрсатди. У ҳозирга қадар пўлат этакдан 100 тоннадан зиёд оқ олтин тўкди.

СУРАТДА: пешқадам суворий Иброҳим Турғунов.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ фотоси.

МУКОФОТ — ТИНЧЛИК ФОНДИГА

Республика яйлов-мелиоратив ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Наманган механизациялашган кўчма колоннасининг Х. Хўжабеков бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадаси Косонсой районидаги Куйбишев номли колхозда водопровод қуриб, уни муддатидан илгари фойдаланишга топширгани учун олган мукофотни Совет тинчлик фондига ўтказди.

Ёш мелиораторлар учун бу иш анъанага айланиб қолди. Улар тинчлик фондига ўзларининг дастлабки пулларини бундан уч йил муқаддам, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 40 йиллиги шарафига ўтказган эдилар. Ўшанда комсомоллар Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. А. Малясовни ўз бригадаларига қабул қилган эдилар. Унинг номига ёзиладиган иш ҳақини ҳам ана шу счётга ўтказиб келишмоқда. Ўтган вақт мобайнида мелиораторлар тинчлик фондига ҳаммаси бўлиб 3,5 минг сўм ўтказдилар.

Комсомолларнинг бу ташаббуси Наманган области ёш коллективлари орасида кенг ёйилди. Улар ўз коллективлари составига Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларини, Афғонистонда интернационал бурчини бажаришда ҳалок бўлган ўз тенгдошларини киритмоқдалар. Областда тинчлик фондини тўплашда минглаб кўнгилли омонатчилар қатнашмоқда. Ўтган йил бошидан буён улар бу фондга 280 минг сўм ўтказдилар.

Журналистлар билан учрашув

10 ноябрь куни Тошкентда оммавий ахборот воситаларининг ходимлари учун матбуот конференцияси ўтказилди. Унда республиканинг таниқли олимлари, юристлар, ҳуқуқшунослар қатнашдилар.

Учрашувда СССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ва СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳалари муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

Ёзувчилар оқ олтин далаларида

ЯНГИЛАНИШ РУҲИ

Қадимий Сирдарёнинг ҳар иккала соҳили бўйлаб ястанган кенг ва бепоён далаларда меҳнат нашидаси авжига чиққан. Наманганлик деҳқонлар ҳам ўзлари илк баҳордан пешона терини тўкиб етиштирган мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш учун ғайрат билан ишлашмоқда.

Ҳамманинг чеҳраси очиқ. Бу — бир томондан об-ҳавонинг яхши келгани бўлса, иккинчидан, қишлоқ хўжалигида янги иқтисодий, маънавий омилларнинг қарор топаётганлигидандир. Ўз умрини яшаб бўлган, тараққиётимизга тўғаноқлик қилаётган эски бошқарув тартибларининг ўзгариши, «у ёққа юр», «бу ёққа юр», деб ниқтаб турувчи маъмурий бюруқбозликларнинг йўқотилиши пахтакорга эрк бағишлади, ерга, ҳосилга, йиғим-терим ишларига оқилона ёндашиш имконини берди. Қайта қуриш жараёнида жуда кенг жабҳаларда олиб борилаётган машаққатли курашнинг илк самараларини биз пахта далаларида ўз кўзимиз билан кўрдик, дилдан ҳис этдик.

— Илгарилари бизга юқоридан нима буюрилса, шуни бажарардик, мажбур эдик, — дейди Задарё районидаги «Гулбоғ» совхозининг директори Лутфулла Муҳаммаджонов.— Энди орқа-ўнгимизга қараб, хўжалигимизнинг фойда-зиёнини ҳисоб-китоб қилиб иш олиб бораяпмиз. Совхозимиз тўласинча бригада пудратига ўтган, бу эса ишнинг яхши кетишига асос бўлаяпти.

Совхоз бу йил 15.300 тонна пахта етиштириш мажбуриятини олган. Ҳозир далаларда ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун қизғин иш бораяпти. Пахталар асосан юқори навларда топширилаяпти.

Қўшни «Гигант» колхозида хурсандчилик устидан чиқдик. Колхознинг Турдипошшо Қўрғонова бошлиқ бригадаси пахта тайёрлаш йиллик планини бажарибди. Гектаридан планда ги 32 центнер ўрнига 33,5 центнердан ҳосил олиниб, давлатга 300 тонна пахта етказиб берилибди. Чевар теримчилардан Тожихон Қўрғонова, Муҳаббат Жабборова, Сония Нажмиддиновалар 9—10 тоннадан оқ олтин териб беришди. Механизаторлардан Алишер Тошпўлатов 140 тонна, Холмамат Бозоров 120 тонналик хирмон уйди.

Бригаданинг дала шийпонида ана шу воқеага бағишланган йиғин бўлаётганди. Ғолиблар шаънига табриклар янгради, уларга мукофотлар топширилди. Сўнг шийпонда шеърлар ўқилди, куй-қўшиқлар янгради. Мириқиб дам олган колхозчилар яна этакларини белларига боғлашиб, теримга тушиб кетишди. Энди навбат мажбуриятга!

— Колхозчилар энди бемалол ишлашаяпти, илгаригидақа майда-чуйда кўрсатма беришлар йўқ, — дейди колхоз раиси Абдусалом Ғафуров. — Йилнинг бошида ҳар бир бригада билан пудрати бўйича келишиб олганмиз. Идорадан то ярим кечасигача одам аримасди: ахборот, маълумот дегандек қоғозбозлик... Энди иш эрталаб соат тўққиздан кеч олтигача. Буйруқбозлик, бўлар-бўлмасга асаббузарликка қатъий чек қўйдик.

Колхоз пахтакорлари бу йил 3 минг гектар ерга чигит экиб, 8.100 тонна ҳосил йиғиштириб олишни режалаштиришган. Ҳозиргача 7.000 тоннадан зиёд хирмон уйилди.

Тўрақўрғон районидаги Калинин номли колхоз идорасида бошқачароқ манзарани учратдик. Эшикка «Ҳамма-ҳамма пахтага!» деган шиор осилган. Ичкарида ҳеч ким йўқ. Колхоз раиси Иқромжон Абдусаломов ва идоранинг барча ходимларини 1-бригаданинг пахтазорларида кўрдик. Белларига этак боғлаб пахта теришаяпти.

— Оби ҳавонинг ғаниматлигидан фойдаланиб ёппасига ҳашарга чиқдик, — дейди раис кулиб. —Эртага осмондан «шир» этиб ёғса, аттанг деб қолмайлик деяпмиз-да.

Раис ҳамма қатори терган пахтасини тарозида торттириб, хирмонга тўкиб келгач, тушлик пайтида биз билан хўжаликдаги янгиликлар тўғрисида қисқача суҳбатлашди.

Пахтачиликни ривожлантириш учун оила пудрати кенг йўлга қўйилди. Мавжуд бир минг гектар ер 185 оилага тақсимлаб берилди. Бу — пахта ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтиришда жуда қўл келди. Масалан, Талаббой Бўрибоев оиласи 9 гектар ерга пахта экиб, ҳар гектаридан 41 центнердан ҳосил олди. Ёқубжон Исломов, Абдураҳмон Бойларовлар ҳам оила пудрати асосида ишлаб, ҳар гектаридан қирқ центнердан ошириб хирмон кўтаришди.

Умаржон Азимов оиласи 4 гектар ерни пудратга олди. Иккі киши ҳозирги кунгача 13,5 тонна пахта топширди, мавсум охиригача эса 16,5 тонна пахта беришмоқчи.

— Оила пудратининг аҳамияти катта, — дейди Умаржон ака. — Ҳозир ўртача ойлик маошимиз икки юз сўмдан ошаяпти. Йил охирида умумий ҳисоб-китоб пайтида яна даромад оламиз. Бу усул ҳам давлатга, ҳам оила учун яхши фойда келтиради.

Колхозда хўжалик юритишнинг яна бир илғор усули — ерни ижарага олишга ўтиш мўлжалланмоқда. Бу усул пахтачиликни ривожлантиришда яна ҳам катта фойда келтириши турган гап.

Халқимизда «Олдин иқтисод, кейин сиёсат» деган гап бор. Унинг замирида айни ҳақиқат ётади. Буни пахта йиғим-теримининг боришн ҳам яққол кўрсатиб турибди. Пахта учун бериладиган ҳақ бироз оширилган эди ҳамки, терим деса безгаги тутиб қоладиган одамлар этак боғлаб далага чиқишди. Ахир, йилўн икки ой тер тўккан пахтакор ўз ҳосилини яхшилаб, юқори навларда териб олиш учун ўзи бевосита иқтисодий манфаатдор бўлиши керак-да.

Куз — хирмон палласи. Хирмон фақат далада эмас, деҳқоннинг киссасида ҳам ифодасини топиши лозим. Бизнингча пахта теримида тўланадиган ҳақ масаласини, соҳанинг иқтисодий муаммоларини чуқур ўрганиб, бу борада яна ҳам дадилроқ қадамлар қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди. Шундагина социализмнинг меҳнатга яраша ҳақ тўлаш принципи, ижтимоий ва иқтисодий адолат принципи тўлароқ амалга ошган бўлур эди.

Хуллас, шу кунларда пахтазорларимизда янгича руҳ, янгича нафас уфуриб турибди. Бу — янгиланиш, қайта қуриш, яратиш руҳи яна ҳам қарор топаверсин!

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,
Ихтиёр РИЗО,
Хайрулла ҚОСИМОВ.

ЗАВОД ИЖАРАГА БЕРИЛДИ

«Меҳнат» кооперативи ижарага олинган Ховос ғишт заводида маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириши учун атиги 2 ой керак бўлди. Айни вақтда кооператорлар корхонанинг давлатдан 120 минг сўмлик қарзининг учдан бир қисмини тўладилар.

Корхона ишга туширилгандан буён нормал иш маромига туша олмас эди. Қурилиш ишларидаги камчиликлар, ишчиларнинг йўқлиги ўз таъсирини кўрсатарди. Ишчиларни ҳатто ўнлаб километр олисдан, Тожикистондан олиб келинар эди ва бунинг учун анчагина маблағ сарфланарди.

Зарар кўриб ишлаётган корхонани ҳатто ёпиб қўйиш тўғрисидаги масала қўйилди, аммо шусиз ҳам ғишт етишмаётганлиги учун бундай қарордан воз кечдилар. Бунда область агросаноат бирлашмаси системасининг Янгиер хўжаликлараро савдо корхонаси ҳузурида кооператив ташкил этиш ғояси туғилди.

Ижарага олиш шартлари анча қийин. Кооперативга аъзо бўлишни истовчи ҳар бир киши корхонанинг жорий ҳисобига 100 сўм ўтказди. Пай взноси яна 1000 сўмни ташкил этади. Аммо пайчи ўзини заводнинг тўла ҳуқуқли хўжайин, деб ҳис этади.

—Энг аввало, биз меҳнатни ташкил этишга янгича ёндашдик, — дейди кооператив правлениесининг раиси Р. Субҳонов. — Бир қанча ёрдамчи ва асосий цехлар ўрнига ҳамма ишларни ўзи бажарадиган учта звено ташкил этдик. Ҳар бир звено ўз сменасида маҳсулот чиқарилиши учун тўла жавобгар бўлади. Штатда фақат юқори малакали бир неча ишчи касбларини биладиган ишчилар ва мутахассисларни қолдирдик. Масалан 24 нафар инженер-техник ходим ва хизматчи ўрнига атиги олти киши қолди. Шахсан менинг ўзим маъмурият, бош инженер, бош механик ва бош энергетик вазифасини бажараман.

Ижарага олувчиларнинг ишлари авж олиб кетди. Октябрь ойида улар 800 минг дона пишган ғишт ишлаб чиқарадилар. Бу бундан икки ой илгари мутлақо нореал кўрсаткич ҳисобланарди. Кооператив беш йиллик охиригача корхонани лойиҳадаги қувватга чиқариб олишга қарор берди.

Кооператив социал муаммолари ҳам дадил ҳал этмоқда. Дастлабки 8 квартирали уй қурила бошланди. Саккиз гектар майдондаги илгари яроқсиз бўлган ерни ёрдамчи хўжалик ўзлаштирмоқда. Энди коллектив гўшт, сут ва сабзавотни ўзи етиштирадиган бўлади.

Дастлабки ижара муддати — уч йил. Бироқ пайчилар ҳозирдаёқ ўзларини ижара муддатини анча узайтириш имконига эга, деб ҳисоблашмоқдалар.

Г. ОГОРОДОВ,
ЎзТАГ мухбири.
Сирдарё области.

ХЎШ, УЛАР КИМЛАР?

Қаҳрамонларимизни таништираман. Улардан бири — қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатиш марказий институти Ўрта Осиё филиали (САФ ЦИНАО) директори, биология фанлари доктори, профессор Б. М. Исаев. Иккинчиси — мазкур филиал бўлимининг собиқ раҳбари, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати В. П. Далакьян. Ҳар иккови ҳам газетамизнинг актив муаллифи. Қаҳрамонларимиз тўғрисида икки оғиз сўз.

Далакьяндан бошлай қолайлик. Холисроқ бўлиш учун нафақат Исаев, балки жами «учлик» имзо чеккан характеристикага назар ташлаймиз. Унда айтилишича, бўлим раҳбари «озуқа сифатига баҳо бериш масалаларида юқори малакали мутахассис саналади... муваффақиятли амалга оширилган қатор илмий-тадқиқот ишларига мунтазам раҳбарлик қилиб келди ва масъул бўлди..., у такомиллаштирган сенаж тайёрлаш технологияси Ўзбекистон хўжаликларида кенг қўлланилаяпти..., учта рационализаторлик таклифи бор, ўн тўққиз маротаба пул мукофоти, бир неча фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган». Албатта, эндиликда — орадан икки-уч йил ўтгач, Исаев Далакьянни қишлоқ муаммолари устида жиддий ишлайдиган олим сифатида эмас, ўзини кўрсатишга уринган, сохта обрў кетидан қувган одам деб тасвирлашга ҳаракат қилади.

Директор бу билан нима демоқчи бўлгани, унинг сўзларига қандай муносабат билдиришга ҳайронман. Наҳотки, деҳқонларга истиқболли иш усулларини ўргатиш ва ем-хашак тайёрлашдаги қўшиб ёзишларга қарши курашиш Далакьяннинг камчилиги бўлса? Унинг «Ўзбекистон озуқаси» китобига ёзилган мулоҳазаларини, шу китобни сўраб илтимосномa битган мутахассислар мактубларини ўқир эканман, республикамиз колхозлари ва совхозларида ана шу асардаги озуқа сифатини тезлик билан аниқлаш методикаси етишмаётганлиги ҳақида ўйлайман: институт филиалининг жорий қилинган ишлар юзасидан ҳисоботида ҳам Далакьян раҳбарлигидаги бўлим фаолияти ҳақида ёзилган. Бизда назариётчилар керагидан ортиқ. Фан ютуқларини амалиётга енг шимариб жорий этишга уринаётган олимлар эса кам, Далакьян бўлса регионда биринчилар қатори хўжаликларда агрохимлаборатория ташкил этди, унинг бевосита иштироки билан юздан зиёд район лабораторияси вужудга келди. Агар илгари озуқа сифатини аниқлашга бир неча кун кетган бўлса, эндиликда саноқли соатлар кифоя қилаяпти.

Унинг характери чатоқроқ. Ношуд ва танбал одамлар билан гаплашиш у ёқда турсин, уларни кўргани кўзи йўқ. Қизиққон ва инжиқ — иш манфаати учун керак бўлса-бўлмаса муштлашишга тайёр. Бошлиқлар олдида таъзим қилиб туриш, уларнинг оғзига қараш Далакьянга ёт. «Ўзбекистон озуқаси» китоби бунга мисол — бошқа биров бўлса муаллифликка директорнинг розилигини олишни ўзига мартаба деб биларди, бу одам эса китобни ёзишда катта ёрдам берган оддий агрохимикни ўзига шерик қилиб олди. Бундай тўғри сўз одам деярли пенсия ёшигача бирор кор-ҳолсиз ишлаб келганига ажабланасан киши. ЦИНАОнинг Ўрта Осиё филиали маъмурияти буйруғига биноан Далакьян ишдан бўшатилди. Мана бир неча йилдирки, уни жиноий жавобгарликка тортишмоқчи. У эса ўзининг ҳақлигини исботлашга мажбур бўлиб, жанжалкаш номини орттирди. Хўш, Далакьян нима қилиши керак, одатда бундайлар ҳақида баъзи бошлиқлар: «Яна қанақа ноз-фироғи бор экан», — деб қўйишади. Ҳаёт шуни кўрсатадики, бундай одамлар кўпинча ҳимояга муҳтож бўлишади, чунки улар ўзларини кам ўйлашади.

Юқори илмий даража ва унвон Исаевнинг фанга қўшган ҳиссасидан далолат бериб турибди. У ЦИНАОнинг Ўрта Осиё филиалига тўрт йил муқаддам директор бўлди. Исаевга қолган мерос оғир эди, филиалдаги носоғлом вазият ҳаммага маълум. Балки шунинг учун ҳам директор ҳар йили ҳайфсан олиб келди, ниҳоят қаттиқ ҳайфсан беришди. Кейинги жазони шу йилнинг май ойида республика халқ контроли комитети илмий тадқиқот ишларининг бажарилишини ташкил этишдаги жиддий камчиликлари, уларни ўтказишда тегишли ҳисоб-китобнинг йўқлиги, план ва молиявий штат интизоми бузилгани, автотранспортдан хўжасизларча фойдаланилгани учун олди.

Ҳуллас, Ботир Мусаевич директорлик лавозимида тоғни уриб талқон қилгани йўқ. Биз у киши билан Далакьяннинг ишдан бўшатилиши хусусида гаплашганимизда неча бор: «Мен демократ одамман», — деб такрорлади. Албатта, бу ўринда унинг демократизми синовдан ўтганлигини билмасди. Мен директор отпускада эканлигида филиалда бўлгандим. Ўзини шу муассасанинг раҳбарларидан бири деб таништирган лаборатория мудири Е. Г. Бессонов журналист амалий ишга киришмаслиги учун барча чораларни кўрди. Эҳтимол, сесканганидан шундай қилгандир, балки орият кучли келгандир — бирор нарса дейиш қийин, лекин унинг бу хатти-ҳаракатидан турғунлик даврининг ҳиди анқиб турарди. Филиалнинг баъзи ходимлари эса саволларга жавоб бериш ўрнига кўзлари олазарак бўлиб «Қўйсангизчи, агар мен рост гапни айтсам, кейин қандай ишлайман» — дея ўзларини четга олишди.

Кўп ўтмай шу нарса аён бўлдики, демократ Исаев ҳақидаги бор ҳақиқатни унга тобе бўлмаган кишиларгина айтишлари мумкин экан. Холисларнинг фикрини келтириб ўтаман.

Н. А. Грекова, халқ маслаҳатчиси:

— Суд мажлиси ЦИНАОнинг Ўрта Осиё филиали залида бошланганди. Уч кун иш кўрилди, кейин эса директор жой ажратишдан қатъиян воз кечди.

М. У. Алиев, адвокат:

— Суд жараёнида қатнашганларнинг ҳаммаси Исаевнинг хатти-ҳаракатидан қаттиқ норози бўлди. Ваҳоланки, судни шу ерда ўтказиш аввалдан келишилган, чунки бу ерда шарт-шароит бор эди. Исаевнинг ўзини тутишини ошкоралик даври руҳига зид ва одил судлов қадрияти ҳамда обрўйига путур етказиш деб ҳисоблайман.

М. К. Ғуломов, республика халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори:

— ЦИНАОнинг Ўрта Осиё филиали директори ўртоқ Б. М. Исаев текширув давомида вазиятни ўз ҳоҳишига биноан буриб юборишга бир неча бор уриниб кўрди. Биз рози бўлмаганимиздан кейин асабийлашиб, бақириб-чақира бошлади. У қўлини пахса қилиб, ўз ходимлари олдида мени хонасидан қувиб юбормоқчи бўлди. Кейинчалик у кечирим сўрашни ўзига эп кўрмади.

О. Г. Вартанова, филиалнинг собиқ ходими:

— Бу ердан ишдан кетганимга сабаб директор томонидан оғир вазият вужудга келтирилганлигидир. Унинг иш услуби — буйруқбозлик-маҳкамачиликдан иборат. Кадрларга эса ишига эмас, шахсий садоқатига қараб баҳо беради.

ШАМОЛ БЎЛМАСА...

Хўш, директор ва бўлим раҳбари орасидан қандай оламушук ўтди? Исаевнинг гапига қараганда ҳамма бало Далакьяннинг феъл-атворида. Нима ҳам дейиш мумкин? Бу сўзнинг тагида жон бор. Яна шундай эътирозлар айтилди: гўё Далакьян бўлим ишига эътиборни сусайтириб юборган, шахсий юмушлари билан тез-тез кетиб қолар экан. Орадаги ихтилоф эса шу йилнинг март ойида, уни аттестациялаш пайтида «қулатиш»ни кўзда тутган характеристика билан таништирганларида бошланган.

— Ана шундан кейин Далакьян турли идораларга шикоятни ёғдириб юборди, — дейди Ботир Мусаевич.

Хўш, Далакьяннинг ўзи нима дейди?

— Ўтган йилнинг ёзигача ўзаро муносабатимиз жойида эди. Аммо Исаев менинг ишимни ўз имзоси билан нашр этгач, буни одамлар иштирокида айтганимдан сўнг ормиз бузилди.

Исаев адабий ўғрилик қилганми, йўқми — аниқ бирор нарса дейишим қийин. Бу ўринда тегишли органларнинг аралашуви талаб қилинади, лекин ўнлаб йиллар мобайнида мақолалар ёзиб, матбуотда чиқариб, бунақа ҳолатга дуч келмагандим. Умрини шу соҳага бағишлаган муҳаррирми ёки кечагина ишга келган адабий ходимми — ҳар ким ўз билганича ёзади. Бу борада ахлоқий талаблар барчага бир хил. Наҳотки, фанда бошқача бўлса?

Директор ўринбосари М. М. Мамажонов ва филиал партия бюроси секретари П. Х. Қодирхўжаевнинг айтишларича Исаев Далакьянга шундай деган: «Сени суд қилишмоқчи, демак, имзоингни чиқариб бўлмайди. Шунинг учун фамилиянгни олиб ташладик». Лекин Далакьянни муаллифликдан маҳрум қилиш учун бу асос етарли эмасдек туюлди.

Тўғри, бундай ҳолат жўда кам учрайди. У ҳар томонлама баҳо беришни талаб этади. Лекин директорнинг қарори ўринлими?

Ҳар иккала томоннинг ўзаро можаро ҳақидаги фикрларини тинглаб бўлгач, мен Далакьянга ишондим. Ростдан ҳам юқорида айтиб ўтилган характеристикадан кейин аттестация учун тайёрланган кейинги ҳужжат ўртасида нималар рўй берди? Ҳатто ҳуқуқ-тартибот органлари аниқлаб беролмаётган туҳматлар, директор ижига рўйрост айтилган айбномалар пайдо бўлди. Наҳотки, шуларнинг бари нафақат директор, балки партбюро секретари ва касаба союз комитети раисида ҳам ўз касбдошларига нисбатан муносабатни шу қадар ўзгартириб юборса? Ишониш қийин. Лекин баъзи ҳолатларга назар ташлайлик.

Қўлимда озуқа бўлимининг 50 минг сўм турадиган аппарат олиш учун шу йил 21 январда тайёрлаган ҳужжатидан бир нусха. Шуниси ғалатики, унга директор имзо чеккан, бу асбобдан фойдаланадиган шахс эса қўл қўймаган. Буни қандай тушунса бўлади? Мен ўзимча тусмол қилгандан кўра редакцияга таширифи буюрган бошқа бир идора раҳбарига ана шу ҳужжатни кўрсатдим. У шундай изоҳ берди:

— Бу аппарат ё ҳисобдан чиқариб ташланади ёки бошқа ёққа ўтказиб юборилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам у бўлимга бориб тушмайди...

Шунда мен суҳбатдошимдан сўрадим: «Агар директор ва бўлим мудири ўртасида низо пайдо бўлса-чи?».

— ...Бўлим мудири имзо чекса, эртаси куни тафтиш камомадни аниқлайди...

Агар Далакьян ҳалиги ускунани олиш учун ёзилган ҳужжатга қўл қўйганида ҳозир қаерда бўлиши мумкин эканлигини тушуниш қийин эмас, деб ўйлайман.

Мана тағин бир ҳужжат — Далакьяннинг шу йил 22 февралда ёзган аризаси. Унда Москва ва Тошкентдаги раҳбарларига филиал партия бюроси секретари П. Х. Қодирхўжаев, лаборатория мудири Ю. И. Шевченко ва катта илмий ходим С. Бойбоев ёзган хат билан таништириб чиққанлигини айтди. Бу мактубда улар прокурордан Далакьян бўлим раҳбари лавозимида ишлашга ҳаққи бор-йўқлигини, уни инноятчи деб ҳисоблаш мумкинми ёки йўқлигини сўрашади. Сўнгра игвогарона (бошқа ифодалаб бўлмайди) хатдаги баҳодан сўнг Далакьян институт раҳбариятидан аттестацияни кечиктиришни сўрайди.

Бирор одамни жиноятчи деб фақат суд айтиши мумкин. Лекин ҳар ҳолда бу хат нега прокурорга ёзилди? Унинг муаллифлари ўз саводсизликларини намоён этиш учун эмасдир. Бу ерда Далакьяннинг обрўини тўкиш, ўнг келса у билан одил судлов қўли орқали ҳисоб-китоб қилишдан бошқа мақсад кўринмайди. Унда мантиқ қонунига кўра шуни тан олиш керакки, Далакьяннинг Исаев билан ихтилофи март ойида эмас, камида бир йил илгари бошланган. Январь ва февраль ойларида ноўнғай олимга лой чаплаш авжига чиққан. Бу ишда нафақат директор, балки унинг яқин атрофидагилар ҳам иштирок этганлар. Ҳа, ана шу ҳолатда Далакьян уларнинг тузоғига илинмади, лекин ўчдан қочиб қутулолмади ҳам.

Қиш охирида Владимир Петрович синглисини дафн этди, март ойида эса марҳуманинг расм-русумларини ўтказиш керак эди. Йўқ, у художўй эмас, анъанавий удум унинг учун жигарбанди хотирасига ҳурмат бажо келтиришни тақозо этади. Бунинг устига кекса ва касал онаси кўмакка муҳтож. У 1 март куни илгари ишлаган кунлари эвазига икки кунга рухсат беришни сўраб, маъмуриятга мурожаат қилди, лекин ариза буйруқда расмийлаштирилмади. 5 март куни директор вазифасини бажарувчи А. М. Мажидов Далакьянга оғзаки ижозат берди ва кадрлар бўлимига аризани олиб боришни тайинлади. Хотин-қизлар байрами арафаси эди, кадрлар бўлими ходимаси хонасида йўқ экан. Владимир Петрович ҳам ўша кунги қоғоз тақдирини аниқ эслаб қоладиган ҳолатда эмасди. Ҳуллас, аризани ўзи билан олиб жўнади, уни қайтиб келгач топширди. Барча можаро ана шундан бошланди.

Далакьяннинг ишдан бўшатилгани ҳақида кимга гапирманг, ҳеч ким ишонмасди. Сунъийлик шундоқ сезилиб турарди. Одамлар ўзларига келгач: «Ахир, бу одамдан ўч олиш учун баҳона эмасми», — деган фикрни айтишди. Шуниси диққатга сазоворки, Исаевнинг ўзи ҳам буни инкор этмайди.

— Ҳа, мен бу имкониятдан фойдаландим. Лекин қонунни бузганликда айблаб кўринг-чи.

Директорни билиб-билмай айблашдан йироқдаман. Лекин аризани чўнтагида олиб кетган Далакьянда ҳам унча катта гуноҳ кўринмаяпти. Ахир, директор вазифасини бажарувчи А. Мажидов оғзаки бўлса ҳам розилик берган-ку. Бу ҳақда республика халқ контроли комитети инспекторлари М. П. Пирогов, К. К. Карибоев ва А. И. Круговнинг справкаси ҳам бор. А. Мажидов айтган сўзидан қайтиб виждонига тескари борганига нима сабаб эканлиги сир бўлмаса керак деб ўйлайман.

Рўй берган вазиятга хизмат юзасидан шу ишга дахлдор кишилар узил-кесил баҳо беришсин. Биз бу ўринда мазкур муассасанинг Москвадаги раҳбарларини назарда тутаяпмиз.

ПРИНЦИПЛАРДАН ВОЗ КЕЧМАЙ

Шу нарса аёнки, одам — фариштa эмас. Ундан нуқул қонуний хатти-ҳаракатни кутиш ҳам гўллик бўлур эди. Лекин ҳар бир нарсанинг чек-чегараси бор, ўзини англаган одам ундан чиқиб кетолмайди. Далакьяннинг ишдан бўшатилгани шунинг учун ҳам кўнгилни безовта қиладики, бу қарорга йўқдан йўндириб келишганлиги кўриниб турибди. Ўлим ҳар бир кишининг бошида бор. Ғарчи, бундай ҳолларда мотам тутаётган одамга ҳамдардлик билдириш, қайғуни енгиллатишга ёрдамлашиш кодексларда ёзиб қўйилмаган бўлса-да, лекин буни ҳамма ўз бурчи деб билади. Бу ўринда эса ўлганнинг устидан тепгандек бўлган. Ахир, коллектив раҳбари, хизмат ва партиявий бурчига кўра қўл остидаги ходимга биринчи бўлиб мурувват кўрсатиши, ёрдам қўлини чўзиши керак эмасмиди? Бусиз идорада эртанги кунга ишонч руҳи яратилмайди, демак, ишда унум ҳам бўлмайди.

Ботир Мусаевичдан кўп истиҳолага бориб акасини дафн этиш маросимини ўтказиш учун ўзи ҳам ишга келмаганлиги ва автомашинадан фойдаланилганлигини қандай расмийлаштиргани ҳамда бу бахтсизликка коллектив қандай муносабатда бўлганлигини сўрадим. Аммо жавоб ололмадим.

Қайта қуриш ҳамманинг кўзини очди, ҳар ким ўз қадрига етди. Илгари Далакьян бошлиқнинг соясига кўрпача солмай, унга таъзим қилмай юрган бўлса, бунга иззатнафси йўл қўймаган эди. Энди эса ошкоралик, демократия тантана қилаётган даврда ҳар қандай ноҳақликларга чидай олмаяпти. Бир қарашда бу яхшидек: қонуннинг барча ҳарфларига асосланган чинакам озод жамият учун маънавий эркин кишилар керак. Фақат шундай одамларгина бундай жамиятни қура олишлари мумкин. Нега энди директор Исаевга қўл остидаги ходимнинг кўзи очилганлиги ёқмай қолдийкин? Нима сабабдан у халқ назоратчилари ўтказган текширишга тазйиқ қилар ёки халқ судини филиалдан силлиққина жўнатиб қўяр экан? Ўз-ўзидан шундай жавоб туғилади: чунки унинг амирона қарори Оржоникидзе район халқ судида ҳам, Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетида ҳам тегишли баҳоланмади. Демак, Далакьянга ўзини ҳимоя қилишда осон бўлармиди?

Эҳтимол, баъзилар вақтисоати келгач, директор ҳам эсини йиғиб олар деб ўйлашлари мумкин. Йўқ, бундай бўлишига ишонмаймиз. Бу ўринда одамларнинг принциплари, тўқнашди. Эскилик осонликча жон бермайди, ўзининг бардошини янгиликка қарши курашда синайди. Хўш, ғалаба ким томонда?

Мана ярим йилдирки, Далакьян ишсиз юрибди. 1952 йилдан буён у аъзо бўлган КПСС сафидан филиал партия ташкилоти ва район партия комитети Устав қоидасига хилоф равишда уни сиртдан, касалхонада даволанаётганида ўчиришди. Ҳар кимга ишонишди-ю, лекин йиғирма йилга яқин вақтдан буён ўзлари яхши билган ҳамда тақдири ҳал бўлаётган одамга ишонишмади. Ҳақиқат ва адолатга нисбатан ишончни йўқотган Далакьян бир неча ўнлаб идораларга аризалар юборди, ёрдам сўради. Лекин ҳеч ким қулоқ солмади. Ўзбекистондан, шунингдек қўшни республикалардан ўнлаб агрохимиклар юқори идораларга Далакьянни ноҳақ бўшатишгани ҳақида норозилик хатлари ёзишди.

Ушбу мақолада халқ маслаҳатчиси ва адвокат қатори халқ судьяси А. С. Тепловaнинг ҳам фикрини беришни кўзда тутгандик. ЦИНАО Ўрта Осиё филиалида вужудга келган носоғлом вазият ҳамда уя қурган фиску фасод ҳақида айтмоқчи эди. Анна Сергеевна бу ҳақда ёзиб беришга рози бўлганди. Аммо судья хатга тушишни хоҳламади. Унинг айтишича, журналист билан шунчаки гаплашишнинг ўзи ҳам кўнгилсиз ҳолатга олиб келибди. Мен журналист ва газета ишига ким аралашганини аниқлаганимча йўқ. Лекин халқ судьяси кимлардир тобе эканлиги, кимларнингдир манфаатини муҳофаза этганлиги шундоқ кўриниб турибди. Шулардан кейин ҳам Оржоникидзе район ҳуқуқ-тартибот органлари қонунга зид равишда уч йилдан буён Далакьяннинг жиноий ишини пайсалга солиб келаётганлигига ажабланиш мумкинми?

Одатда поездлар, машиналар, тоғлар тўқнашганда атроф ларзага келади. Нуқтаи назарлар тўқнашувнинг зарбасини бошқалар ҳис этмасликлари мумкин. Лекин, бу тўқнашув ҳам инсон тақдирини нуратади ва ахлоқий қадриятларни синдиради. Далакьян қайта қуришга ишониб, ҳақ-ҳуқуқини таниганди. Илк тўқнашувдаёқ катта сабоқ олди. Хўш, бу сабоқдан қандай хулоса чиқариш мумкин? Ахир, филиалда вазиятнинг оғирлиги республика ҳамда ЦИНАОнинг раҳбар ташкилотларига кўпдан буён маълум, у ерда одамлар дилда бор гапни тилга чиқара олмай юришибди. Ана шундай бир вазиятда улар қандай қилиб қайта қуришни амалга оширишсин?

В. ВОРОБЬЕВ.
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

РЕДАКЦИЯДАН: Мақола ёзилаётган пайтда ЦИНАО раҳбариятидан шундай ҳабар келди: В. П. Далакьян лавозимига тикланди, унинг мажбурий ишламаганлиги учун ҳақ тўланади. Ниҳоят ҳақиқат қарор топди. Лекин шундай савол туғилади: В. П. Далакьянга кимнинг ҳисобидан ҳақ тўлашаркин!

ҲАЁТ ЧОРРАҲАЛАРИДА

ТЎҚНАШУВ

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ЯРОСЛАВЛЬ. «Ташаббускорлик, дўстлик, ёрдам» — бу Ярославль шаҳар комсомол комитети ҳузурида тузилган запасдаги ёш жангчилар кўнгилли жамиятининг шиоридир. Интернационалист жангчиларнинг катта отряди бу жамиятнинг ўзагини ташкил этди. Хизматдан яқиндагина қайтган кишилар ҳамдўстлиги ўз олдига қўйган вазифалар орасида ёшларда Ватанга муҳаббат, интернационал туйғуларни тарбиялаш, ўсмирлар учун спорт клублари ва шаҳарчалари ташкил этиш, ёшлар уй-жой комплексини барпо этиш вазифалари бор. Жамият ҳалок бўлган ўртоқларнинг оилаларига, интернационалист жангчилар ёдгорлиги учун маблағ тўплашга, тинч меҳнат ва ўқишга қайтган кишилар қонунда кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланишларига ёрдам беришга алоҳида эътибор қилмоқда. Жамиятнинг бутун иши хўжалик ҳисобига асосланган.

* * *

ЭЛИСТА. «Уйдаги стационар» врачларнинг доимий назоратига муҳтож бўлган беморларга уларни касалхонага ётқизмасдан тўла курсда даволашни таклиф қилди. У Элиста шаҳар поликлиникаси ҳузурида очилди. Медицина хизмати кўрсатишнинг янги формаси касалхона шароитида ўзини ёмон ҳис қиладиган кишиларга жуда маъқул тушди. Беморлар уй шароитида даволаш тадбирларининг бутун зарур комплексини оладилар ва участка врачлари назоратида клиник диагностика текширувидан ўтадилар. Дашт ўлкада медицина муассасаларининг стационарларида жой етишмаётган шароитда медицина ёрдами кўрсатишдаги бу янгиликнинг афзалликлари яққол сезилмоқда.

ҲАР БИР ОИЛАГА—АЛОҲИДА УЙ

Избоскан — республикамиздаги аҳоли жуда зич жойлашган районлардан бири. Шунинг учун ҳам уй-жой масаласи энг ўткир муаммо. Район партия, совет, хўжалик органлари 2000 йилга қадар ҳар бир оилани алоҳида уй билан таъминлашдек долзарб вазифани бажариш учун амалий тадбирлар кўрмоқдалар. Кооператив усулда ва якка тартибда турар жойлар барпо этиш учун меҳнаткашларга имкониятлар яратилаяпти. 2000 йилга қадар шу мақсадлар учун экин майдонларининг ўзидан 284 гектар ер ажратиш планлаштирилди. Район ижроия комитетининг архитектура ва қурилиш бўлими қошида тузилган хўжалик ҳисобида ишловчи планлаштириш бюроси керакли лойиҳа-смета ҳужжатларини таъминлаш билан шуғулланмоқда.

Район маркази — Пойтуғ аҳолиси учун «Октябрь 50 йиллиги» совхози ва «Партия XX съезди» колхозидан 38 гектар ер ажратилди. Бу ерда якка тартибдаги уйлар пудрат усулида қурилади. Область ижроия комитети қошидаги кооператив ва якка тартибда уй-жой қурилиши бўлими бош план тузиб, замонавий архитектура ечимларини ишлаб чиқади. Шу йилнинг ўзидаёқ 122 оила учун уй-жой барпо этишга киришилади.

СУРАТДА: Избоскан район ижроия комитети архитектура ва қурилиш бўлими қошидаги планлаштириш бюроси бошлиғи Р. Ёқубов, район партия комитетининг биринчи секретари М. Маматазизов ва ижроком раиси Б. Раҳмонов янги уйлар қуриладиган массивда.

Б. АЛИМОВ фотоси.

ПАХТА МАДҲИ

ХАТЛАРГА ОБЗОР

Республикамиз пахтакорлари айни кезларда далада қолган ҳосилни тезроқ саранжомлаш пайидан бўлмоқдалар. Сергайрат механизаторлар ва чеварлар сўнгги мисқолларни йиғиб-териб олишда ўзаро мусобақани бўшаштирмаяптилар. Редакция уларнинг ғайрат-шижоатлари тараннум этилган мактубларни ҳар куни кўплаб олаяпти.

Қўлимиздаги хатни бухоролик **А. Баҳромов** йўллаган. У Ғиждувон райони заршунослари бу йилги мавсумда илғорлар сафида бўлишганлиги, бунда Ленин номли, Ҳамид Олимжон номли, «Халқобод» колхозларининг азаматлари катта ҳисса қўшишганини ёзибди. Фарғоналик **Т. Тешабоев, М. Жиянов, Т. Гайбуллаев**, бухоролик **Р. Ҳасанов**, хоразмлик **К. Давлатов**, қашқадарёлик **Н. Турсунов, Н. Камолов, Ҳ. Қўқонов**, андижонлик **У. Абдуллаев, Р. Жуманиёзова**, наманганлик **Т. Зокиров, Ғ. Пўлатов, П. Бухоров** ўртоқлар ҳам шундай хабарлар юборишган.

Конференция йили ютуқларга бой бўлаяпти. План ва социалистик мажбуриятларини бажарган бригада, бўлим, хўжалик ва районлар сони тобора кўпаймоқда. Бизга келаётган рапортлар оқими шундан далолат беради. «Ленин номли совхозтехникумининг 4-бўлимига қарашли Раҳимберди Абдураҳмонов бошлиқ бригадаси Поп районида биринчи бўлиб зафар қучганди, — деб ёзади **М. Маткаримов**. — Ҳозиргача топшириқ икки ҳисса қилиб адо этилди. Бу оила пудрати шарофатидан, А. Жўраев, Ш. Отажонов, М. Очилов, Д. Мавлонова оилалари гектаридан 40—42 центнердан ҳосил олиб, уч ярим план миқдорида пахта тайёрлашди».

Қашқадарёлик **Б. Жабборов, Й. Мардонов, С. Боқиев**, қорақалпоғистонлик **О. Тоҳимбитов, М. Айтимов, Б. Дўсчонов**, бухоролик **Р. Азимов, Ш. Боқиев**, самарқандлик **Э. Тонготаров, Ҳ. Икромов, Р. Худойқулов**, фарғоналик **Т. Кимсанов**, сирдарёлик **А. Ҳазратқулов**, наманганлик **Т. Зокиров, Э. Қаюмов**, сурхондарёлик **Ў. Бекмуродов** ва бошқалар ҳам илғор коллективларнинг меҳнат муваффақиятларини қаламга олишган. Гагарин районидаги «Пограничник» совхозидан **А. Улуғмуродов** оилавий бригадаси йиллик маррани барвақт эгаллагани, ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнердан оширишни кўзлаётгани ҳақида ёзган.

Осмонўпар пахта хирмонларида минг-минглаб теримчиларнинг фидокорона меҳнатлари мужассам. Жамоатчи мухбир **Р. Аслоновнинг** хатида Ромитан районидаги ибн Сино номли колхоздан икки дугона — Дилрабо Каримова ва Феруза Чориева ўзаро мусобақалашиб оқ олтин теришаётгани баён этилган. Улар кўпмингкилограммчилар бақсида пешқадам. Гулчеҳра Пўлатова, Бибиражаб Равшанова, Мўмина Ҳусенова голиблар билан изма-из боришаяпти. Бундай чеварлар ҳамма жойда кўплаб топилади. Сурхондарёлик **Н. Назаров**, андижонлик **С. Йигиталиев**, самарқандлик **Ҳ. Очилова, А. Бегматов**, бухоролик **Г. Ғаниева, Ж. Файзиев**, фарғоналик **А. Нурматов, Н. Раҳимов, Н. Раимова**, қашқадарёлик **А. Мустафоев** ўртоқлар шундай олтин қўлли, толмас билакли дала юлдузлари тўғрисида хат-хабарлар жўнатишган.

Илғор тажрибани, меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усулларини қўлланиш муваффақият омили бўлаётир. Буни **М. Ёқубов**нинг мактубидан билиш мумкин. Унда таъкидланишича, «Партия XXII съезди» колхозининг Исмоил Қурёзов бригадаси планни Хива районида ҳаммадан аввал бажаришида оила пудрати ёрдам берди. Гектаридан ўртача 33 центнердан ҳосил олинган бўлса, Зулайҳо Болтаева, Сапура Матчонова, Бекдурди Қурёзов, Нурпошшо Отаниёзова, Султонпошшо Юсупова бошлиқ оилавий коллективлар бу кўрсаткични 40 центнердан оширдилар. **Т. Холиқов** хатида Чироқчи районидаги Файзулла Хўжаев номли совхозда уч йилдан бери пудрат асосида иш юритилаётгани, хўжалик бу йил илғорлар қаторида маррага етгани маълум қилинган.

Айрим жамоатчи мухбирлар моҳир пахтакорлар, пешқадам хўжаликлар тўғрисида мақолалар ёзиб юборишган. Жумладан, **П. Эргашев**, Сариосиё районидаги Калинин номли колхоз бригадири, Ленин ордени ва иккита Меҳнат Қизил Байроқ орденлари соҳиби Қурбоной Ашуралиева ҳақида, **С. Қорабоев** Зомин райони совхозларидан лавҳалар йўллаган. **М. Тўхтаев** ўз репортажида Қамаши районидаги Ленин номли колхоз деҳқонларининг, **О. Жуманазаров** эса Задарё районидаги «Правда» колхози заршуносларининг йиғим-терим давридаги шижоатли меҳнатларини қаламга олишган.

Редакция оқ олтин мавсумини ҳозиржавоблик билан ёритишда фаол қатнашган барча жамоатчи ва қишлоқ мухбирларига самимий миннатдорчилик билдиради.

ЗАМОНДОШИМИЗ

ЕВГЕНИЙ БЕРЕЗИКОВ ЯРАТГАН ЖИЛОЛАР

Евгений Березиков Сибирда, тайгадаги мўъжазгина хуторда дунёга келди. Аҳоли яшайдиган энг яқин масканга саккиз чақирим йўл юрилар, теварак-атроф ўрмон, кўлардан иборат, табиат гоҳ қишки, гоҳ ёзги либосга бурканарди.

— Табиат мен учун завқшавқ ва кашфиётлар манбаи эди, — дейди рассом. — Сўқмоқни кесиб ўтаётган чумоли, антиқа расмли пўстлоқ парчаси — ҳамма-ҳамма нарса мени тўхтатиб, эътиборимни ўзига жалб этар, хаёлот туртки берган фикр эса беихтиёр кўриб турганларимнинг ич-ичига кириб боришга интиларди.

Балки бу таъсирчан болакайдан файласуф етишиб чиқармиди. Аммо ҳаёт шитоб-ла, баъзида беҳуда орзуларга йўл бермай кескин олға интиларди. Қирқинчи йилда Женялар оиласи Украинага, кейинроқ, уруш бошлангач, Қозоғистонга кўчиб борди. 1942 йилда Ленинград остоналаридаги жангларда отаси ҳалок бўлганлиги ҳақида қора хат келди.

Оила ташвишлари, мамлакатнинг умумий қайғу-аламми ўша йиллар болаларини барвақт улғайтириб қўйди, уларда бурч ҳиссиётини шакллантирди, ҳаётда ўз ўрнини фаол излаб топишга ундади. Женя ўн ёшида отарларни боқишда чўпонларга кўмаклашди. У яйловдан бу яйловга кўчганларида бола туяда юзлаб чақирим йўл босди... Сўнг армия хизматини ўтади, ўт ёқувчи, экскаватор машинисти ва ҳатто Тошкентда жиноят қидирув бўлими бошлиғи бўлиб ишлади. Меҳнатда барвақт тобланган, фикр-хаёлини йиғиб олган, собитқадам, ўзига ва атрофидагиларга нисбатан талабчан бу йигит нафақат тенгқурларининг, балки ўзидан катталарнинг ҳам иззат-ҳурматига сазовор бўлди.

60-йиллар бошида Москвада Олий партия мактабида таҳсил кўрди. Пойтахтда қолишни таклиф этишди, аммо у Тошкентга қайтиб келди. «Мен бутун оламга Шарқ орқали назар ташладим ва ўшандан буён унинг ҳукмидаман. Шарқда битмас-туганмас жозиба ва ўзига хослик мавжуд, фақат уни дилдан ҳис эта билиш лозим», — дейди мусаввир. Шуни айтиш керакки, ўша йилларда у ҳали рассом эмасди, расм чизишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Хизмат ҳам, жамоатчилик фаолияти ҳам ундаги дунёни мусаввирона қабул қилиш ҳиссини сўндиролмади.

Шеърлар битди. Уларнинг баъзилари босилиб чиқди ҳамда кўпчилик эътиборини қозонди. Ўзини очеркчи сифатида ҳам намоён этди, эълон қилинган асарлари Ўзбекистоннинг миллий маданияти тарихи ва тараққиётига, Совет Шарқи халқ ҳунармандлари санъатига бағишланган эди. 1974 йилда Березиков тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. У «Қизил Бухоро» (1987 йил) романи, «Тоғлардаги акс-садо» кинофильми сценарийси муаллифи ҳамдир. Шулар билан бирга ҳаётда яна иманидир, балки энг асосий нарсани четлаб ўтаётгандек тасаввур Березиковни сира тарк этмади. Мана, у умрида биринчи марта рамкага оқ мато тортиб, қўлига илк бор мўйқалам тутди...

Аввалига улар Березиковнинг замонавий графика ва шарқ нақшинкорлигининг нафис жимжимадорлик хусусиятлари билан уйғунлашиб кетган ўзига хос бадиий услубини намоён этган, ўз романига чизган хомаки расмлар бўлди. «Инсон — ижодкор, — дейди муаллиф, — у ҳаётий куч-қудратни фалакдан ва заминдан, яъни табиатдан олади». Эҳтимол, бу қиёс Березиков ижодига ҳам тўла тааллуқлидир.

У кўп ва тезкор чизади, кўпинча дастурхон ёнидан, уйқу ёки ҳордиқ чиқараётганда шартта ўрнидан туриб оқ мато ёнига боради.

Жон қуйдириб ишлашни талаб қиладиган ижод бир неча соатга чўзилади ҳамда қонда тариқасида бир сеансни банд этади. У матога бўлажак композицияси чизиқларини тортади ва фикрлар мажмуаси бошланғич ўйларини аниқлаб, тўлдириб ранглар бера бошлайди. Яратилаётган образлар уйғунлиги шу қадар турли-туманки, бундай ишни қайтариш ёки кўчириб олиш жуда мураккаб.

Кейинги йилларда Е. Березиков Самарқанд область партия комитетидаги ишидан бўшаб, ўзини батамом адабиёт ва бадиий ижодга бағишлади. Ҳозирга қадар юзлаб тасвирий санъат асарлари яратди.

Галина ЧИЖ.
(АПН).

СОҒЛИҚ ҚАЛАЙ, ЧЎЛҚУВАР?

Мирзачўл район марказий касалхонасининг эски биноси яқинда реконструкция қилинди. Эндиликда шифо маскани 470 ўринга эга бўлди. Бу — аввалгидан уч баравар кўп. Терапия, хирургия, травмотология, гинекология каби ўнта бўлим ишлаб турибди. Интенсив терапия ва лаборатория бўлимлари очилганлиги аҳолига самарали тиббий ёрдам кўрсатишга имкон бермоқда.

Муассаса замонавий медицина аппаратлари ва юмшоқ мебель билан қайта жиҳозланди. Бу ерда «Тез ёрдам» пункти ҳам бор. Фельдшер-диспетчер қишлоқ участка касалхоналари, поликлиникалари ва фельдшер-акушерлик пунктлари билан мунтазам боғланиб туради. Уларнинг ҳар бирида консультатив хизмат йўлга қўйилган, марказий касалхона врачларининг бевосита иштирокида беморлар қабул қилинмоқда.

Мазкур касалхона ёнида замонавий поликлиника ҳам ишлаб турибди. У ҳар куни 500 беморни қабул қила олади.

Чўлқуварлар бундай қулайликлардан мамнун бўлмоқдалар.

Ш. ИБРОҲИМОВ.

* * *

СУРАТЛАРДА: 1. Марказий касалхонанинг умумий кўриниши. 2. Хирургия бўлимида операция пайти.

Автор фотолари.



Кейинги пайтда матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолаларимнинг қайчиланган жумлаларини жамлаб, «Қишлоқ ҳақиқати»га мурожаат этдим. Уша матбуот нашрларидан хафа бўлмаган ҳолда муаллиф фикрларига «қўл теккизиш»га ҳожат бўлган-бўлмаганлиги ҳурматли ўқувчига ҳавола. Мен бу ҳолатни биз орзу қилган асл демократиянга етишиш йўлидаги табиий қийинчиликлардан бири деб биламан.

МУАЛЛИФ.

Нурали ҚОБУЛ

ЮРАКДАГИ ОҒРИҚ

ЁКИ ҚАЙЧИЛАНГАН САТРЛАР

Республикамиздан минглаб одам жиноий жавобгарликка тортилди, деган гап ҳар биримизнинг юрагимизга оғир ботади. Бу яна неча юз минг тирик етимлар ва келажакда ўзгалар назарида олабўжига айланиб қоладиган бегуноҳ кишилар демакдир. Жавобгарликка тортилганларнинг барчаси онгли равишда жиноят қилган дея ким айта олади? Булар энг аввало ўша даврда ва апрель пленумига қадар юргизилган нобол сиёсатнинг қурбонларидир. Яқинда ҳукумат уйи олдида тўрт фарзандини (жами саккиз нафар экан) эргаштирган колхозчи аёлни учратдим. Жуфти ҳалолини озод қилишларини сўраб келибди. Куним ўтмай қолди, болаларимнинг аҳволини қаранг, устлари юпун, магазинчидан ҳам анча қарз бўлиб қолдик. Кеча бир қоп унни қарзга бермади, дейди ер билан битта бўлиб. Тўрт ёшлар чамасидаги ўғилчаси нима дейди денг: «Аяжон, дадамни қачон кўрсатишади?!...»

* * *

Бир нарса ҳақида кўп ўйлайман. Маълум бир халқ ёки шахснинг, дайлик Сталин ёки Хрушчёвга бўлган ижобий ва салбий муносабати ўша халқ ёки шахснинг маънавий-маърифий даражасини кўрсатади. Халқда худога ишонмасликдан кўра ишонишга рағбат кучли бўлганидек (бу ҳар кимнинг шахсий иши), ақлимиз-ахмоқми кимгадир сиғиниб, уни бошига кўтариб яшашни афзал кўради. Кўп ҳолларда оломонга катта демократ эмас, Сталинга ўхшаган даҳшатли диктатор керак. (Менимча бундай «кучли шахс»лар даври энди қайтиб келмасов). Демократларнинг устидан масхара қилиб куладилар, ҳатто таҳқирлайдилар. Халқ табиатан қўрқувга мойиллиги туфайли чаласавод ҳокимлардан ўткинчи пайғамбарлар ясашга уста бўлади.

* * *

Бахмал районидаги Навқа оромгоҳида XIX аср меъморчилик обидаси бўлмиш мачитнинг гумбази дидсизларча сувалиб, тепасидаги яримой шакли олиб ташланди. Воқеанинг интиҳосини қарангки, яримой шаклини олиб ташлаган қишлоқ Советининг ходими руҳий касалга чалиниб, ишидан ҳам, соғлиғидан ҳам ажралди. (Эътиқоди мустаҳкам бўлмаган бу киши қилмишидан сўнгги қўрқув ва талваса боис шу аҳволга тушди). Бу ердаги эндиликда ҳеч ким сиғинмай қўйган эски қабрни қандайдир икки кишига ароқ ичириб буздиришди. (Бу эскидан синалган усул бўлиб, эс-ҳуши жойида бўлган одам бунга қўл урмайди). Умуман инсон фарзанди сўнгги паноҳ топган жойни оёқ ости қилиш қайси дин, миллат ёки элатнинг эътиқодига, қай бир одоб-ахлоқ нормасига тўғри келади? Бу қабилдаги ахмоқона ишларимиз билан усиз ҳам бизга ишонмай қўйган одамларни ўзимиздан бездирамиз-ку?!

Бу йўсиндаги кўр-кўрона атеизм бир кун келиб ғалва бошига бало бўлиб ёғилади. Бекорга ҳам М. И. Калинин: масжидга кирган коммунист бош киймини олиши шарт эмас, демаган. Бу билан у художўй бўлиб қолмайди. Ўзининг маданиятли инсон эканлигини, халқни ҳурмат қилишини яна бир бор таъкидлаган бўлади. Ўн-ўн беш чоғли қария жаноза ўқиб, отангни мозорга элтсин-у, сен йўлини қилиб ўзингни бу маросимдан олиб қочсанг... Бундан катта бебурдлик бўладими? Бу иш ҳам, ўша қарияларга тенгдошини ўз билганларича кўмишга монелик қилиш ҳам одамларнинг юзига оёқ қўйиш эмасми? Халқни партияга қарши қилиб қўяёзган яқин ўтмишнинг дўлвор раҳбарлари каби шахсларнинг умумий оқими билан юксак партия, давлат ва ҳукумат лавозимларига чиқиб қолишининг олди олинмас экан, бу каби хатоларнинг такрорланмаслигига ҳеч ким кафиллик бера олмайди. Шунинг учун ҳам маҳалла комитети раисидан тортиб президентгача — ҳамма раҳбарни очиқ ва чин маънодаги демократик йўл билан сайлаш керак. Шунда халқ бирор номзодга нотўғри овоз берган бўлса ҳам ўзидан кўради. Ғалати бир мисол. Қишлоқда яшовчи амакимга, райкомларингиз чаласавод, думбул одам, дедим алам билан. «Ие, унақада райком бўлармиди», жавоб қилди амаким устимдан кулиб. Мана, халқнинг раҳбарга муносабати. Бизда кишилар «бошингга чўпни тик турғазиб, қўйса ҳам бўйсун», деган ақидага амал қилиб ўрганишган. Минг афсуслар бўлсинким, биз бу содда ва тўпори одамлар ишончини оқлай олмаяпмиз.

* * *

Қанчалик кўп гапирилмасин, бизда ишга қодирларни танлаш ва юқори лавозимга тавсия этиш услуби демократия принципларига ётдир. Дейлик, обкомнинг биринчи секретари ёки оближроком раисини пленумда ё сессияда «сайлаш»га тавсия этишни бир-икки, узоғи билан тўрт-беш киши ҳал қилади. Ўшалар бир гапни билар деб, обком аъзолари ёки область Совети депутатлари юқоридан кимни тавсия этишса сайлайверадилар. Яхшиямки эндиликда бунақа «тартиб» аста-секин бузилаяпти.

* * *

Марказлардан узоқ жойлардаги сайлов округларидан депутатни Москва ёки Тошкентдан сайлаш шартмикан? Ахир депутат халқнинг оғир-енгилидан хабардор бўлиб, у билан бирга нафас олиши керак эмасми? Кенгроқ олиб қараганда, бу нарсанинг ўзи демократия принципларига тўғри келадими? Олий Совет депутатлиги ёки Марказий Комитет аъзолиги сифатидаги фаолиятини қўятуринг, ўша министр ўз вазифасини ҳалол ва тўғри бажарсин, Халқ минг раҳмат дейди. Умуман мансабдор шахсларни депутатлик ва ҳар хил комиссияларга сайлашларни ўйлаб кўриш, оғзи деса қулоғини кўрсатадиган ёки автобиографик кўрсаткичлар бўйича «депутатлар сайлашга ҳам чек қўйиш шарт. Аслида бу тирикчиликлар маънавий кўзбўямачиликдир.

* * *

Ўттиз еттинчи йиллар бедодликлари, қирқинчи йиллар охирининг фожиалари, олтмишинчи йиллар бошларидаги маънавий ва иқтисодий ўпирилишлар, сўнгги йиллардаги узоқ давом этган турғунлик ва хотирасизлик даври, бугунги кундаги ҳал бўлмаётган муаммолар, ер ва табиатнинг аянчли аҳволи, Орол фалокати — бунинг ҳаммаси халқимиз қалбидаги дардли оғриқдир. Хато ва нуқсонларнинг чегараси бўлиши керак, ахир!

* * *

Республикамиздаги меъморчилик обидаларининг аҳволини кўриб, виждонимизга аза тутаверсак бўлади, дея ўйлайсан киши. Шу хусусда ёқа ушлайдиган бир ҳол. 1919 йилда В. И. Ленин кўрсатмаси билан Иттифоқда, жумладан республикаларда тарихий ёдгорликларни ҳимоя қилиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси ташкил этилди. (Илгари Турккомстарес, Средазкомстарес, Узкомстарес дея аталган). Бу ташкилот барча республикаларда фаолият кўрсатмоқда. Бироқ мамлакатимизда Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги байрам қилинаётганда, КПСС Марказий Комитетининг «Меъморчилик ва шаҳарсозликни янада яхшилаш ҳамда такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (1987 йил 19 сентябрь) ўз ҳолига ташлаб қўйилган бу соҳа ривожига нажот бахш этиб турган бир ҳужжатли фильмлар кинофестивалининг совриндор фильмлари. «Олий суд» (Рига киностудияси).

19.00 «Ўлмас музикали кечалар». И. Брамс.

19.40 Фидойи шахслар.

20.25 Ҳаракат хавфсизлиги учун.

20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!

20.45 Татаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.

21.30 «Время».

22.05 «Қайта қуриш прожектори».

22.15 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Ер ва олтин». Бадиий фильм.

23.35 Янгиликлар.

● УзТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа.

*

10.00 «Шанба экрани». Кинопрограмма.

10.30 Ўзбекистон кардиологларининг съезди (рус.).

11.00 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Монголиялик дўстларимизнинг цирк программалари.

11.40 Хўжалик қисоби ва ўзўзини маблағ билан таъминлаш йўлидан. «Меҳнат тажрибаси адреси». «Қизил Шарқ», «Электротерм» бирлашмалари ҳамда Ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатининг ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш тажрибасидан (рус.).

12.10 «Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида баллада». Бадиий фильм.

13.35 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида).

14.35 «Фан уфқлари».

15.15 «Сеҳрли сандиқ». Мультфильм.

15.25 «Рассом ва китоб» (рус.).

16.00 Футбол. Биринчи лига қубогининг финали. «Пахтакор» — АСК (Ростов-Дон).

17.50 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.

18.40 «Ералаш». Болалар юмористик киножурнали.

19.00 Македония телевидениесининг программаси.

20.00 «Ахборот» (рус.).

20.20 «Улар бизга қарашади». Ҳужжатли фильм.

20.30 «Ахборот».

20.50 Пахтакорлар учун музикали программа.

21.30 Москва. «Время».

22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори».

22.15 Пахтакорлар учун музикали программанинг давоми.

22.55 «Ижод саҳифалари». П. Қодиров. Туғилган кунининг 60 йиллигига.

* * *

Юрист Жалол Жабборов тақдирини ўйлаб, руҳим хиралашиб кетади. Унинг бошига тушган ноҳақ ташвишлар эрта-индин бошқа бир кишининг тинчини бузмаслигига, болаларининг нонини ярим қилмаслигига ҳеч ким кафиллик беролмайди. «Узагропромстрой» бирлашмасидаги миллионлаб сўмлик қўшиб ёзишларни очишга киришгани учун ишдан ноҳақ ҳайдалиб, қувғинга учраган бу йигит мана икки йилдирки ишсиз юрибди. Қайта-қайта ёзмаган жойи қолмабди. Лекин шу пайтгача унинг арзига қулоқ соладиган, оғни оққа, қорани қорага ажратадиган одам топилмади. (Сабаб — бу жиноий ишлар яқинда ишдан кетган ва ҳибсга олинган республиканинг собиқ қатор раҳбарлари фаолияти билан боғлиқ эди. У, порахўрлар республикани сўраб турганда уларнинг қилмишларини фош этиб, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига мурожаат қилганди). Шунинг учун ҳам бизда одамлар ҳақиқат учун очиқ ва мардона курашишдан ўзларини олиб қочадилар. Гапнинг очиғи, кўпчилик эрта кунда бола-чақаси еб турган бир бурда нондан ажралиб қолишидан қўрқади. Халқни пассивликда айблаганда масаланинг туб моҳиятини ўйлаб кўришга бизда заковат етарлими?

Шу ўринда ачинарли бир ҳолат. Ҳақиқат қарор топгунига қадар тирикчиликни ўтказиш ниятида Жалол Жабборов Тошкент атрофидаги хўжаликларнинг биридан экин-тикин қилиш учун ижарага озгина ер олди. Турп экди. Лекин унинг олий маълумотли юрист эканлиги раҳбарларни чўчитди. Уни ҳуқуқий органларнинг айғоқчиси деб ўйлашди чамаси, «олий маълумотли мутахассиси оддий ишчи сифатида ишга қабул қилиш мумкин эмаслиги»ни айтишди. Хуллас, камбағални туянинг устида ҳам ит қопди. Иши юришмаган «деҳқон» уруққа ҳам, меҳнатига ҳам қуйди. Унинг кўзи ёшланиб менга айтган гаплари қулоғим остида жаранглайди: «Ишончим комил, ҳақиқат қарор топади. Ноҳақ бўлсам мен, акс ҳолда инсоний ҳуқуқларимни топтаган қонунбузар ва жиноятчилар жазоланишлари керак!»

* * *

Республикамиздан минглаб одам жиноий жавобгарликка тортилди, деган гап ҳар биримизнинг юрагимизга оғир ботади. Бу яна неча юз минг тирик етимлар ва келажакда ўзгалар назарида олабўжига айланиб қоладиган бегуноҳ кишилар демакдир. Жавобгарликка тортилганларнинг барчаси онгли равишда жиноят қилган дея ким айта олади? Булар энг аввало ўша даврда ва апрель пленумига қадар юргизилган нобол сиёсатнинг қурбонларидир. Яқинда ҳукумат уйи олдида тўрт фарзандини (жами саккиз нафар экан) эргаштирган колхозчи аёлни учратдим. Жуфти ҳалолини озод қилишларини сўраб келибди. Куним ўтмай қолди, болаларимнинг аҳволини қаранг, устлари юпун, магазинчидан ҳам анча қарз бўлиб қолдик. Кеча бир қоп унни қарзга бермади, дейди ер билан битта бўлиб. Тўрт ёшлар чамасидаги ўғилчаси нима дейди денг: «Аяжон, дадамни қачон кўрсатишади?!...»

* * *

Бир нарса ҳақида кўп ўйлайман. Маълум бир халқ ёки шахснинг, дайлик Сталин ёки Хрушчёвга бўлган ижобий ва салбий муносабати ўша халқ ёки шахснинг маънавий-маърифий даражасини кўрсатади. Халқда худога ишонмасликдан кўра ишонишга рағбат кучли бўлганидек (бу ҳар кимнинг шахсий иши), ақлимиз-ахмоқми кимгадир сиғиниб, уни бошига кўтариб яшашни афзал кўради. Кўп ҳолларда оломонга катта демократ эмас, Сталинга ўхшаган даҳшатли диктатор керак. (Менимча бундай «кучли шахс»лар даври энди қайтиб келмасов). Демократларнинг устидан масхара қилиб куладилар, ҳатто таҳқирлайдилар. Халқ табиатан қўрқувга мойиллиги туфайли чаласавод ҳокимлардан ўткинчи пайғамбарлар ясашга уста бўлади.

* * *

Бахмал районидаги Навқа оромгоҳида XIX аср меъморчилик обидаси бўлмиш мачитнинг гумбази дидсизларча сувалиб, тепасидаги яримой шакли олиб ташланди. Воқеанинг интиҳосини қарангки, яримой шаклини олиб ташлаган қишлоқ Советининг ходими руҳий касалга чалиниб, ишидан ҳам, соғлиғидан ҳам ажралди. (Эътиқоди мустаҳкам бўлмаган бу киши қилмишидан сўнгги қўрқув ва талваса боис шу аҳволга тушди). Бу ердаги эндиликда ҳеч ким сиғинмай қўйган эски қабрни қандайдир икки кишига ароқ ичириб буздиришди. (Бу эскидан синалган усул бўлиб, эс-ҳуши жойида бўлган одам бунга қўл урмайди). Умуман инсон фарзанди сўнгги паноҳ топган жойни оёқ ости қилиш қайси дин, миллат ёки элатнинг эътиқодига, қай бир одоб-ахлоқ нормасига тўғри келади? Бу қабилдаги ахмоқона ишларимиз билан усиз ҳам бизга ишонмай қўйган одамларни ўзимиздан бездирамиз-ку?!

Бу йўсиндаги кўр-кўрона атеизм бир кун келиб ғалва бошига бало бўлиб ёғилади. Бекорга ҳам М. И. Калинин: масжидга кирган коммунист бош киймини олиши шарт эмас, демаган. Бу билан у художўй бўлиб қолмайди. Ўзининг маданиятли инсон эканлигини, халқни ҳурмат қилишини яна бир бор таъкидлаган бўлади. Ўн-ўн беш чоғли қария жаноза ўқиб, отангни мозорга элтсин-у, сен йўлини қилиб ўзингни бу маросимдан олиб қочсанг... Бундан катта бебурдлик бўладими? Бу иш ҳам, ўша қарияларга тенгдошини ўз билганларича кўмишга монелик қилиш ҳам одамларнинг юзига оёқ қўйиш эмасми? Халқни партияга қарши қилиб қўяёзган яқин ўтмишнинг дўлвор раҳбарлари каби шахсларнинг умумий оқими билан юксак партия, давлат ва ҳукумат лавозимларига чиқиб қолишининг олди олинмас экан, бу каби хатоларнинг такрорланмаслигига ҳеч ким кафиллик бера олмайди. Шунинг учун ҳам маҳалла комитети раисидан тортиб президентгача — ҳамма раҳбарни очиқ ва чин маънодаги демократик йўл билан сайлаш керак. Шунда халқ бирор номзодга нотўғри овоз берган бўлса ҳам ўзидан кўради. Ғалати бир мисол. Қишлоқда яшовчи амакимга, райкомларингиз чаласавод, думбул одам, дедим алам билан. «Ие, унақада райком бўлармиди», жавоб қилди амаким устимдан кулиб. Мана, халқнинг раҳбарга муносабати. Бизда кишилар «бошингга чўпни тик турғазиб, қўйса ҳам бўйсун», деган ақидага амал қилиб ўрганишган. Минг афсуслар бўлсинким, биз бу содда ва тўпори одамлар ишончини оқлай олмаяпмиз.

* * *

Қанчалик кўп гапирилмасин, бизда ишга қодирларни танлаш ва юқори лавозимга тавсия этиш услуби демократия принципларига ётдир. Дейлик, обкомнинг биринчи секретари ёки оближроком раисини пленумда ё сессияда «сайлаш»га тавсия этишни бир-икки, узоғи билан тўрт-беш киши ҳал қилади. Ўшалар бир гапни билар деб, обком аъзолари ёки область Совети депутатлари юқоридан кимни тавсия этишса сайлайверадилар. Яхшиямки эндиликда бунақа «тартиб» аста-секин бузилаяпти.

* * *

Марказлардан узоқ жойлардаги сайлов округларидан депутатни Москва ёки Тошкентдан сайлаш шартмикан? Ахир депутат халқнинг оғир-енгилидан хабардор бўлиб, у билан бирга нафас олиши керак эмасми? Кенгроқ олиб қараганда, бу нарсанинг ўзи демократия принципларига тўғри келадими? Олий Совет депутатлиги ёки Марказий Комитет аъзолиги сифатидаги фаолиятини қўятуринг, ўша министр ўз вазифасини ҳалол ва тўғри бажарсин, Халқ минг раҳмат дейди. Умуман мансабдор шахсларни депутатлик ва ҳар хил комиссияларга сайлашларни ўйлаб кўриш, оғзи деса қулоғини кўрсатадиган ёки автобиографик кўрсаткичлар бўйича «депутатлар сайлашга ҳам чек қўйиш шарт. Аслида бу тирикчиликлар маънавий кўзбўямачиликдир.

* * *

Ўттиз еттинчи йиллар бедодликлари, қирқинчи йиллар охирининг фожиалари, олтмишинчи йиллар бошларидаги маънавий ва иқтисодий ўпирилишлар, сўнгги йиллардаги узоқ давом этган турғунлик ва хотирасизлик даври, бугунги кундаги ҳал бўлмаётган муаммолар, ер ва табиатнинг аянчли аҳволи, Орол фалокати — бунинг ҳаммаси халқимиз қалбидаги дардли оғриқдир. Хато ва нуқсонларнинг чегараси бўлиши керак, ахир!

* * *

Республикамиздаги меъморчилик обидаларининг аҳволини кўриб, виждонимизга аза тутаверсак бўлади, дея ўйлайсан киши. Шу хусусда ёқа ушлайдиган бир ҳол. 1919 йилда В. И. Ленин кўрсатмаси билан Иттифоқда, жумладан республикаларда тарихий ёдгорликларни ҳимоя қилиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси ташкил этилди. (Илгари Турккомстарес, Средазкомстарес, Узкомстарес дея аталган). Бу ташкилот барча республикаларда фаолият кўрсатмоқда. Бироқ мамлакатимизда Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги байрам қилинаётганда, КПСС Марказий Комитетининг «Меъморчилик ва шаҳарсозликни янада яхшилаш ҳамда такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (1987 йил 19 сентябрь) ўз ҳолига ташлаб қўйилган бу соҳа ривожига нажот бахш этиб турган бир ҳужжатли фильмлар кинофестивалининг совриндор фильмлари. «Олий суд» (Рига киностудияси).

19.00 «Ўлмас музикали кечалар». И. Брамс.

19.40 Фидойи шахслар.

20.25 Ҳаракат хавфсизлиги учун.

20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!

20.45 Татаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.

21.30 «Время».

22.05 «Қайта қуриш прожектори».

22.15 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Ер ва олтин». Бадиий фильм.

23.35 Янгиликлар.

● УзТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа.

*

10.00 «Шанба экрани». Кинопрограмма.

10.30 Ўзбекистон кардиологларининг съезди (рус.).

11.00 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Монголиялик дўстларимизнинг цирк программалари.

11.40 Хўжалик қисоби ва ўзўзини маблағ билан таъминлаш йўлидан. «Меҳнат тажрибаси адреси». «Қизил Шарқ», «Электротерм» бирлашмалари ҳамда Ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатининг ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш тажрибасидан (рус.).

12.10 «Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида баллада». Бадиий фильм.

13.35 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида).

14.35 «Фан уфқлари».

15.15 «Сеҳрли сандиқ». Мультфильм.

15.25 «Рассом ва китоб» (рус.).

16.00 Футбол. Биринчи лига қубогининг финали. «Пахтакор» — АСК (Ростов-Дон).

17.50 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.

18.40 «Ералаш». Болалар юмористик киножурнали.

19.00 Македония телевидениесининг программаси.

20.00 «Ахборот» (рус.).

20.20 «Улар бизга қарашади». Ҳужжатли фильм.

20.30 «Ахборот».

20.50 Пахтакорлар учун музикали программа.

21.30 Москва. «Время».

22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори».

22.15 Пахтакорлар учун музикали программанинг давоми.

22.55 «Ижод саҳифалари». П. Қодиров. Туғилган кунининг 60 йиллигига.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

ФУТБОЛ

Европа кубоклари турнирининг такрорий учрашувларида совет командаларининг омади келмади. Жумладан, Москванинг «Спартак» командаси (чемпионлар кубоги) «Стяуа» (Бухарест)дан яна мағлубиятга учраб (1:2), соврин учун курашдан четлашди.

Ҳисобни 11-минутда Лэкэтуш очди. Танаффусга қадар (44-минут) Черенков жавоб тўпини киритди. Матч тугашига саноқли дақиқалар қолганда Балинт мезбонларни ўйинни иккинчи маротаба майдон марказидан бошлашга мажбур этди.

Кубок эгалари кубоги учун баҳс юритган «Металлист» (Харьков) коллективи ҳам «Рода» (Керкраде) клуби қаршилигини енга олмади — 0:0. Биринчи матчда 1:0 ҳисобида ғолиб чиққан «Рода» кубок учун курашнинг навбатдаги босқичига чиқди.

ВОЛЕЙБОЛ

Токиода Япония кубоги учун (хотин-қизлар ўртасида) ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Олимпиада чемпиони — СССР терма командаси японияликларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

ХХР ва Перу волейболчилари ўртасидаги иккинчи ярим финал матчида 3:2 ҳисоби қайд этилди. Ҳал қилувчи финалда СССР ва ХХР командалари куч синашадилар. Перу ва Япония волейболчилари эса учинчи ўрин учун курашадилар.

ДЗЮДО

Финляндия пойтахти — Хельсинкида йирик халқаро мусобақа якунланди. Унда Геннадий Калектин раҳбарлик қилган мамлакатимиз терма командаси муваффақиятли иштирок этди. Кишинёвлик Федор Лазаренко (60 килограмм вазнда) мусобақанинг энг яхши дзюдочиси деб тан олинди. У финалда япониялик Хитоси Носукини енгди.

65 килограммгача вазндагилар орасида олмаоталик Али Ҳамхоев зафар қучди. Махачқалалик Рашид Иброҳимов эса (78 килограмм) финалда курсклик хизмат кўрсатган спорт мастери Юрий Меркуловдан устун келди.

Шунингдек, курсклик Александр Сивцев, куйбишевлик Сергей Косоротов, италиялик Вальтер Аргентин ва япониялик Сатоси Фурота ўз вазнлари бўйича ғолиб чиқдилар.

КУРАШ

Тошкентдаги «Ёшлик» спорт комплексида генерал Собир Раҳимов хотирасига бағишланган Бутуниттифоқ мусобақаси ниҳоясига етди. Унда айниқса ўзбекистонлик спортчилар ўзларини кўрсатдилар. Жумладан, тошкентлик А. Игитян, Ю. Варавин, Р. Раҳимов, Ю. Коваленко, Р. Калюжний, И. Иброҳимов, М. Умеров, қаршилик С. Абдураимов ва самарқандлик А. Ризаев ҳурмат шоҳсупасининг биринчи поғонасига кўтарилишди. 14 курашчи илк маротаба мастерлик талабини бажарди.

БАСКЕТБОЛ

Каунаснинг «Жальгирис» командаси кубок эгалари кубоги мусобақасининг чорак финалига йўлланма олди. Улар Брюсселнинг «Маккаби» клуби билан такрорий учрашувда дуранг (99:99) ўйнадилар. Каунасда бўлган биринчи учрашувда майдон эгалари ғалаба қозонишган эди.

БОКС

Венгриянинг Эгер шаҳрида йирик халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз боксчилари команда ҳисобида ғолиб чиқдилар.

Ленинградлик В. Антонов, С. Артьемов ва С Степанов ўз вазнлари бўйича биринчи ўринни эгаллашди.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА

12 НОЯБРЬ, ШАНБА

● МТ I

7.00 «120 минут».

9.00 «Кази-кумух» фольклор ансамблининг концерти.

9.30 «Нега ва нима учун?».

10.00 В. Готовцева куйлайди.

10.20 «Шарқий Сибирь». Киножурнал.

10.30 Ҳаракат хавфсизлиги учун.

11.00 Л. Бетховен. Скрипка ва фортепьяно учун 5-соната.

11.25 «Ўзбекистоннинг қадимий ёдгорликлари».

11.55 «Ринг олдидаги мулоқот». Телевизион ҳужжатли фильм.

12.05 «Социализм мамлакатларида». Тележурнал.

12.35 Киносанъати соҳасида 1988 йилги СССР Давлат мукофотлари лауреатлари.

13.05 «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун». Савдода ислоҳот.

13.40 «Дунё воқеалари».

14.00 Аслини олганда. «Маҳаллий Советлар — давлат ҳокимияти». СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Қонуни ҳамда СССР халқ депутатларини сайлаш ҳақидаги СССР Қонунининг лойиҳаларини муҳокама қиламиз.

15.15 Иттифоқдош республикалар киносанъати. Туркманистон ССР.

16.05 Шеърият лаҳзалари.

16.10 Педагог Б. П. Никитин билан учрашув.

17.40 «Лаҳма аждаҳо». Мультфильм премьераси.

17.50 Халқаро программа. «Бизнинг партнер — ГДР».

19.10 МТ экранида биринчи марта. «Икки кишилик вокзал». Бадиий фильм («Мосфильм»). 1 ва 2-сериялар. Танаффус пайтида (20.20) — Спорт размнинкаси.

21.30 «Время».

22.05 «Қайта қуриш прожектори».

22.15 «Аҳоли рўйхати ҳисобчиси». Илмий-оммабоп фильм.

22.35 Шанба оқшомида. «Италия 2000». Джанни Моранди ва Лучо Далла куйлайди.

00.05 Янгиликлар.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.

*

«Тафаккур» программаси

8.45 Студия намойиш этади... «Билим қирралари» (Киев).

9.30 Сайланмалар. А. Блок ҳақида монолог.

10.30 «Здоровье».

11.20 «Ҳайвонот оламида».

12.20 Рус тили.

12.55 Тарих саҳифалари. Политехника музейида «Вопросы истории» журнали редколлегияси ва авторлари активи билан учрашув. 2-кўрсатув.

13.25 Иқтисодий билимлар асослари «ТелеЭКО» журнали.

14.00 Инсон институти.

15.00 Новаторлар ва консерваторлар. «Визир» илмий-техника кооперативи. Ярим йил ўтгач.

15.45